



Ishonch


*Insonga naf
keltirish —
oliy baxt*

2008-yil 11 sentabr
№ 112 (2525)
payshanba


Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

**9-10 сентябр
кунлари Навоий
шаҳрида
Касаба уюш-
малари тизими-
даги болалар ва
ўсмирлар спорт
мактаблари
тарбияланувчи-
лари ўртасида
«Ёшлар йили»га
бағишланган
спартакиада-
нинг
Республика
босқичи бўлиб
ўтди.**

(Мазкур мусобақалар ҳақида
14-саҳифада батафсил
танишишингиз мумкин)



Бугунги сонда:



**УЛУГИНИ
УЛУГЛАГАН ЭЛ**

3-бет



**«Мен —
ёшликман»**

4-5-бетлар



**Аёллар
савдоси**

11-бет

ВАТАННИ ШАРАФЛАГАНЛАР ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов 10 сентябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритган спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилди.

— Биз бугун яқинда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX Олимпиада ўйинларида қатнашган ва юксак ғалабаларга эришган спортчиларимизни кутлаш ва тақдирлаш учун тўпландик, — деди давлатимиз раҳбари. — Бутун жаҳон спорт ишқибозлари қатори Ўзбекистонда ҳам миллионлаб мухлислар дунёдаги энг нуфузли мусобақа бўлган ана шу халқаро олимпиада беллашувларининг қандай кескин ва машаққатли курашлар остида ўтганини кузатиб турди.

Ҳеч шубҳасиз, айнан мана шундай шиддатли ва мурасасиз курашларда юксак марраларни эгаллаш учун қатнашган спортчиларимиз албатта халқимизнинг, жамоатчилигимизнинг диққат-этиборида бўлгани, ҳар қайси спортчининг мухлислари уларни қўллаб-қувватлаб, мадад тилаб тургани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда бу ўйинларга бетараф одам бўлмади, бутун Ўзбекистон халқи сизлар эришган ютуқларни худдики ўз ғалабасидек қабул қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда, мана шу Олимпиадада сизлар қўлга киритган натижалар бутун халқимизнинг, авваламбор, сизларга жону дили билан омад ва муваффақият тилаб турган ёшларимизнинг ғалабаси бўлди, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади, деди Президентимиз.

Пекиндаги мусобақаларда иккинчи бор Олимпиада чемпиони олтин медалини қўлга киритган Артур Таймазов, ку-

муш медаллар билан тақдирланган Абдулла Тангриев ва Сослан Тигиев, бронза медалларига сазовор бўлган Екатерина Хилько, Ришод Собиров ва Антон Фокин ана шундай ўта кескин ва шиддатли курашларда голиб чиқиб, ҳақиқатан ҳам қахрамонлик намунасини кўрсатгани халқимизга чексиз қувонч ва гурур бахш этганини бугун барчамиз хурсандчилик билан қайд этамиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай юксак марралар ва ютуқларга эришган Ўзбекистон спортчиларини, Олимпиадада қатнашган барча йигит-қизларимизни, шу ғалабаларни қўлга киритишга муносиб ҳисса қўшган, ёш спортчиларни тарбиялаб, уларга куч-қувват ва маҳорат бағишлаган устоз-мураббийларни, бутун команда аъзоларини яна ва яна бир бор табриклаш менга катта мазунуният ва ифтихор етказди.

Бу ғалабанинг асосий моҳияти ва аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон номини ва нуфузини бутун дунёда янада юксалтириш, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намойён этишга хизмат қилади.

Айни пайтда бу улкан ютуқ бугун ҳаётга кираётган, машҳур спортчилар сафига киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, куч-ғайрати ва спорт маҳоратини ошириб келаятган ёш, навқирон авлодимизга ўрнак ва ибрат бўлиши билан, айниқса, шарафлидир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, — деди Президентимиз, — Ўзбекистон спорт жамоатчилиги, спортга ихлосманд бўлган халқимиз Пекин Олимпиадаси якуни билан бир ҳақиқатни яхши англаб, хулоса чиқармоқда. Яъни, бутун жаҳон жамоатчилиги кузатиб турадиган бундай нуфузли мусобақаларда ғалабага эришиш, ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган натижаларни қўлга киритиш энг

аввало бизнинг барчамизга боғлиқдир.

Биринчи навбатда, спортчиларнинг ўзига, уларнинг азму шижоат, ирода ва қатъият бобида ҳеч кимдан кам бўлмасдан, дунёдаги энг юксак спорт марраларини эгаллаш учун интилишига боғлиқ. Ва албатта, спорт устозларининг ўз мураббийлик малакаси ва маҳоратини оширишига боғлиқ. Ўзбекистонимизда бутун дунёга донги таралган спорт устозлари мактабини яратилишига боғлиқ.

Бўлиб ўтган Олимпиадада спортчиларни тайёрлаш бўйича Хитой тажрибасини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, керак бўлса, спорт соҳасида илғор илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш зарур.

Лекин олдимизда турган энг катта вазифа — мамлакатимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш учун давлат ва ижтимоий идораларнинг, бу масалага дахлдор бўлган барча ташкилотларнинг, кенг жамоатчиликнинг куч ва имкониятларини сафарбар этиш, айниқса, спорт билан фаол шуғулланаётган азиз фарзандларимиз сафини янада кенгайтириш лозим.

Энг муҳими, нафақат спорт соҳасига ажратилаётган маблағларни кўпайтириш, айни пайтда бу масалага этиборимизни яна ва яна бир бор кучайтириш зарур.

Ҳаммамизга маълумки, биз Пекин Олимпиадаси якунларини чуқур таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш, 2012 йилда Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига чуқур тайёргарлик кўриш учун ҳукумат комиссиясини тузиш ҳақида қарор қабул қилдик.

Ўйлайманки, бу қарорда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар жаҳон ва Осиё қитъасида, минтақамизда бўлиб ўтадиган мусобақаларда катта ютуқ ва ғалабаларни, янги-янги медалларни қўлга киритиш йўлида мустақам замин бўлиб хизмат қилади.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, илгари айтган даъватни яна бир бор такрорлаб айтишга ижозат бергайсиз: бўш келманглр, азиз фарзандларим, эртанги кун бизники, марра бизники.

Барчамиз шу даъват билан яшашимиз керак, шу даъватни амалга ошириш учун ўзимизни аямаслигимиз керак, деди пировардида Исом Каримов.

Истиқлолимизнинг 17 йиллиги нишонлини арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ, Пекин Олимпиадасида олтин, кумуш, бронза медаллари соҳиби бўлган спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-этибори ва нуфузини оширишга, мамлакатимизда истеъдодли ёш спортчиларни тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Исом Каримов уларга ана шу юксак мукофотларни топширди.

Учрашувда Артур Таймазов, Абдулла Тангриев, Екатерина Хилько, Владимир Пятаев, Антон Фокин Президентимиз Исом Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган катта этибор учун миннатдорлик изҳор этдилар. Бу юксак этибор Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишда муҳим омиллардан бири бўлаётганини, мамлакатимиз спортчилари бундай гамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байрогини баланд кўтаришларини таъкидладилар.

(ЎЗА)

«Тошкент - 2200» ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва маъкеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-этиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси Тошкент шаҳрига бағишланган тасвирий санъат асарлари яратиш бўйича

ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда ўзбекистонлик ва хорижлик рассомлар иштирок этишлари мумкин.

Номинациялар:

1. Тошкентнинг афсона ва ривоятлари.
2. Тошкентнинг тарихий обидалари.
3. Замонавий Тошкент.
4. Тошкентликлар образлари.
5. Тошкент — анъана ва маданиятлар чорраҳаси.
6. Хорижлик ижодкорнинг Тошкентга бағишланган сара асари.

Танловда иштирок этадиган ишлар бағетларда қабул қилинади.

Рангтасвир асарларнинг катта томони 100 см.дан ошмаслиги керак.

Энг сара асарлардан ташкил топган кўргазма 2009 йил январь-май ойларида ЎзТСГда бўлиб ўтади.

Мавзуни энг яхши акс эттирган 10 та асар ЎзТСГ фондига сотиб олинади.

Энг яхши асарлар Ўзбекистон Бадий академиясининг медал, дипломлари ва ЎзР ТИФ Миллий банкининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади ҳамда кўргазма каталогидан ўрин олади.

Кўшимча маълумот учун тел: 233-97-23; 233-56-74, Факс: 233-77-65.

Танлов мuddати: 2008 йил 31 октябрга қадар қабул қилинади.

Ишлар Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 2-уй, ЎзТСГда қабул қилиб олинади.

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР

ёхуд ёшлар учун янги иш ўринлари яратилди

Корхонага кираверишда ўнг тарафдаги чойхона дов-дарахтлар соясида янада кўркли кўринади. Исқидка келаятган киши ўзини беихтиёр шу «маконга» ургиси келади...

Ортиқча шовқин-сурондан холи соя-салқинда мириқиб тушлик қилишининг гашти бошқача-да! Ишчилар иштаҳа билан овқатланмоқда. Уларга корхона томонидан бепул тушлик ташкил этилган.

«Кўрғонтепадон» очик ҳиссадорлик жамияти бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Раҳимжон Гулмаматовни ўз хонасида учратиш қийин. Чунки у киши корхонадан 3 чақирим наридаги дон сақлаш омборига ҳам масъул. Еши 50 дан ошиб қолган, ўктам овозли бу киши билан илгари ҳам учрашганмиз. Мулоҳазали, билимдон ва ҳар бир ишчи-ходимни яқиндан биладиган етакчи уларга ҳаммиша гамхўр.

— Касаба уюшма раислигига сайланганимга тўрт йил бўлди. — дейди раис. Илк қурилиши бошланган пайтдан шу корхонадаман. Мақтаниш демангу, республикамиздаги турдош заводлар орасида ишлаб чиқариш қувватига кўра учинчи ўринда турамиз. Бу йил катта иқтисодий ютуқларни кўзлаб меҳнат

қилиямиз. Олти ой давомида макарон, нон, печенье ва минерал сув ишлаб чиқариш цехини ишга тушириб, қўшимча 100 та иш ўрни яратдик.

Дарвоқе, «Ёшлар йили» дастурининг асосий бандларидан бири ёшларни иш билан таъминлашга бағишланган. Шунга биноан янги цехларда 30 ёшдан ошмаган йигит-қизлар меҳнат қилмоқда. Умуман, янги иш ўринлари билан қўшилиб, корхонада 588 ишчи-ходимлар фаолият юритади. Улар 19 та бошланғич цех кўмиталарига бирлашган. Йил бошидан жамоа шартномаларига қўшимчалар киритилди ва унинг бажарилиши назоратга олинди. Унга кўра, ёш ишчи ва хизматчиларнинг оилаларига тегишли ёрдам кўрсатиш, зарур ҳолларда моддий ёрдам бериш (бу мақсадлар учун 3 миллион сўм сарфланибди), тиббий кўриқдан ўтказиш, уларни соғломлаштириш учун сарфланадиган маблағнинг маълум қисмини қоплаш, тиббий хоналар фаолиятини ривожлантириш, оммавий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Ёзда уларнинг 60 нафар фарзанди «Оқбулок» оромгоҳида бепул дам олиб қайтди. Бу мақсад учун бир миллион сўм маблағ сарфланди. Корхона ҳомийликка олган талабалар-

нинг шартнома пулларини тўлаш учун 2,5 миллион сўм ажратилди. Бу каби хайрли ишлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин.

Биз корхонанинг иқтисодий қуввати, ишчи-ходимларга кўрсатилган шарт-шароитлар билан таништиришни илтимос қилганимизда, касабакўм ўзи масъул бўлган дон сақлаш омборига йўл бошлади.

— Заводимиз бир йилда 3 минг тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга, — дейди касабакўм. — Яна бир муҳим томони, бизда энг юқори навли уруғлик бугдой этиштирилиб, республикамизнинг турли вилоятларига юборилади. Уруғликни сақлаш ҳам мураккаб жараён саналади. Чунки бугдойни яхши кўрадиган ҳашорат ва кемиривчилар унинг сифатига жиддий зиён етказиши мумкин. Омборимизда замонавий лаборатория ишлаб турибди.

Омбордаги сара бугдойлар кўзни қувнатади. Мустақил юрт далаларида этиштирилган сара бугдой эрта-индин ширмой нонларга айланмай, юртдошларимизнинг дастурхонини безайди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири



Тошкенти азимдан анча узоқда, Туркистон тизма тоғлари этакларида мўъжаз бир манзил бор. Бу кишлоқни Кенгқул дейишади, яъни, қўли очик, феъли кенг дегани.

Тоғам — Пиримқул Қодиров ана шу кишлоқда ўзига тўқ чорвадор оилада дунёга келган. Бугун у кишининг кишлоқдаги тенгдошларининг ёши саксондан оша бошлади, аммо хануз олтмиш-етмиш йил аввалги ходисаларни тиник эслашади. Айниқса, Тошкентдан келиб қолган ҳамкишлоқларини кўришса, аввал Пиримқул тоғамни сўрашади, сўнг у кишининг ёшлигида рўй берган воқеалар ёдга олинади.

Ёзувчининг

ушувчиси

— Бўладиган бола бошидан маълум-да, — сўз бошлайди Норкул Шерқўзиев. — Болалигида ҳам тиниб-тинчимас, тийрак, доимо белига китоб тугиб юрар эди.

— Хатто баъзи димоғдорлар мударрис бўлармидинг, шаҳар олиб берармидинг бизга, деб мазах қилишарди, — орага гап қистиради Жумабой Холматов.

Дарвоқе, ўша тахликали ўттизинчи-қирқинчи йилларда ҳам китобга ташна одамлар бўлган, чунки отабоболаримиз томонидан асрлар давомида яратилган маънавий меросимизга зимдан ҳужум уюштирилаётган хатарли замон эди. Ана шундай зиёли кишилардан бири — Пиримқул Қодировнинг амакиси Мулло Доно бўлган.

— Пиримжон амакиси Мулло Донодан ибрат олиб, китобга ихлос қўйган, — деб эслайди Қарши Дониёров.

Мулло Доно Кенгқулнинг энг маърифатли кишиси, Бухоро мадрасаларида таҳсил олган сезгир киши бўлганини Пиримқул тоғам кўп гапирди. Эҳтимол, шу боис П.Қодиров кейинчалик САГУ (ҳозирги Миллий университет)нинг шарқшунослик факултетига кириб ўқигандир...

Мулло Доно тоға саксон ёшга кирганида ўгли Элмурод Доноев арчазор тоғнинг Супасой деган хушманзара жойида элга ош берди. Бу тадбирда Пиримқул Қодиров ҳам қатнашди. Хуллас, у киши туғилиб ўсган кишлоқ гўзал жойлари ва яхши одамлари билан танилган.

Ёзда Пиримқул тоғам арчазорлар орасига чодир тикиб, Супасой бўйларида дам олгани келарди. Чодир яхши маънода одамларнинг зиёратгоҳига айланиб кетарди.


...Дарҳақиқат, Пиримқул тоға қир-адирларда, тоғларда қўй боқиб, йилки қувиб юрган кезлари ҳам китобни қўлдан қўймаган экан. У кишининг опалари,

раҳматли Хумор хола, Улғай хола, Насибали хола ва онам (Тошхол Қодирова)лар укаларига меҳри товланиб, ўқишга имкон яратишга уриниб, тоғамга тегишли ишларни ҳам ўзлари бажариб қўярканлар. Улар тоғамни кичик бўлса ҳам сен демас, суюб «сиз», «Пиримжон» дейишар эди.

Ха, айтгандай, гап китобдан кетганда бир нарсани айтиб ўтиш ўринли. Пиримқул тоғам бир муддат Ўратепадаги педтехникумда ҳам ўқиган. Курсдош дўсти, таниқли олим Турғун Файзиёвнинг гапига қараганда, китоб ўқишга шунчалик ўч эканки, педтехникум кутубхонасида у киши ўқимаган ўзбекча китоб қолмаганидан тожик тилидаги асарларни ўқий бошлаган. Масалан, «Капитан Грант болалари» китобини шу тилда ўқиган экан.


...1963 йили Пиримқул тоғам Москвадан Тошкентга кўчиб келди. Киндик қони тўкилган Кенгқулга ҳам борди. Энди буёғини ёзса, бир китоб бўлади. Кишлоқ одамлари тўп-тўп бўлиб орқасидан эргашар, ўтган-кетган воқеалар, уйлар қурилиши, колхоз ерлари, Қодир бобомнинг уйини мусодара қилганларига ҳам бериб бериб сўзлаб берардилар. У содда кишилар, Пиримқул бу гаплардан беҳабар, деб ўйлардилар. Ваҳоланки, зукко ёзувчининг қалбида бу дардлар қат-қат бўлиб ётар эди!

Пиримқул тоғам уларни ёзиб олмаган бўлса-да, бу воқеаларнинг кўпчилиги турли йўллар билан «Қаро кўзлар» романига сингди-



рилган.

Ушанда шўролар ҳукумати янги ерлар очиб, сув чиқариб, пахта яккахокимлиги учун курашаётган эди. Шунинг учун Кенгқул билан бирга кўпгина тоғ кишлоқларини истиқболга йўқ деган мазмунда чўл зоналарига кўчириш ҳақида қарорлар чиқара бошлашди. Пиримқул тоғам Кенгқул кишлоғи, умуман олганда Шаҳристон зонасининг улкан бойлик манбаи эканлигини исботлаб, «Средазбюро» (ўша пайтда Иттифоқ миқёсида Ўрта Осиё республикаларини бирлаштирувчи янги назорат қўмитаси тuzилган эди)га борган. Хатто Душанбе шаҳрига, Тожикистон халқ шоири Мирзо Турсунзодага телефон қилиб, юқоридаги кишлоқларни кўчириш салбий оқибатларга олиб келишини айтиб, ёрдам беришини илтимос қилган. Чунки шу пайтлар Шаҳристон зонаси ҳозирги Тожикистон таркибига кириб қолган эди.



Пиримқул Қодиров ҳеч қачон бирон-бир инсон тақдирига бефарқ қарамаган. Бир киши қисматига ҳам, бир халқ тақдирига ҳам баб-баравар ёндашади, масалани бирёкли қилмагунча тиним билмайди. Ушанда ҳам кишлоқдошларини эргаштириб, Тошкентда идорама-идора юриб, кишлоқни кўчириш масаласини тўхтатишга муваффақ бўлди.

Ундан кейин ҳам имкони борича ўша ҳудуд тақдирини билан қизикди. Ўратепа райкомининг биринчи котиби Рустамов билан дала-дала, қирма-қир юриб, кишлоқнинг иқтисодий имконияти нақадар улкан эканлиги, тоғ булоқларининг суви Кенгқул далаларига келтирилса, мамлакат хазинасига қандай фойда келтиришини исботлади.

Натижада Қорабулоқ суви лотокка солиниб, Кенгқул далаларига оқа бошлади. Шўролар даврида бу ишни амалга ошириш нақадар мушкул эканлигини ўша давр одамлари яхши билишади.

Энди юзлаб гектар ерни олма кўчати билан таъминлаш муаммоси келиб чиқди. Кўчатлар ҳам ҳар хил бўларкан. Тоғли зонага алоҳида, чўл зонага алоҳида...

Бир кунни мени чақириб: — Жиян, кишлоқдан Муҳаммади (кишлоқнинг раиси) келибди. Олма кўчати керак экан. Мен Шредер

номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий текшириш институтининг директори Маҳмуд Мирзаев билан телефонда келишиб қўйдим. Эртага у киши сизларни ишхонада кутди. Ўзинг бирга бор, ҳар ҳолда домласан, академик билан гаплашишни биласан. Менинг узримни айтиб қўй, жуда бандман, бўлмаса борар эдим, — деди.

Ушанда тоғам «Бобур» романининг тақдирини билан банд эди. Хурматли ўқувчилар бу роман қандай қийинчилик билан чиққанлиги ҳақидаги гапларни яхши биладилар деб ўйлайман.

Муҳаммади акам билан эрта тонгда айтилган жойга борсак, академик М.Мирзаев дераза олдида газета ўқиб турган экан.

Салом бериб, Пиримқул Қодировнинг олдидан келганимизни ва у кишининг узрини айтдик.

— Ха-ха, Пиримқул менга телефон қилиб айтди. Ўзим отпускадаман, аммо Пиримқул илтимос қилгани учун атайин келиб, сизларни кутиб турган эдим, — деди.

М.Мирзаевдек дунёга машҳур олимнинг тоғамга ихлосидан қалбимизни ифтихор ҳисси чулғаб олди.

Хуллас, академик М.Мирзаев кўчат экиладиган ерларнинг об-ҳавоси, шароити каби маълумотларни Муҳаммади раисдан олганидан сўнг,

Андижондаги тажриба участкасидан олма кўчати беришга буйруқ берди.

Қанча-қанча ерлар боғи-бўстонга айлантирилиб, ишсиз аҳолининг ишли бўлиши тарихи шундай.

Бугунги кунда ҳам кишлоқ аҳолисини ана шу «Пиримқул тоғамнинг олмаси» боқмоқда. Хатто одамлар «олмани териб олсак, ўғлимни уйлантираман» ёки «қизимни чиқараман» дейдиган бўлди.

Кези келганда айтиш керак: кечагача кишлоқ одамлари «Ҳой, фалончи, сигиринг Отақўзибойнинг ерида ўтлаб юрибди» ёки «Саидқулбойнинг чорбоғида бир гала қўй юрибди» дейишарди. Отақўзибой, Саидқулбойлар йигирманчи асрнинг бошларида кишлоғимизнинг бойлари, ҳомийлари бўлишган. Кишлоқ аҳли шўро ҳукумати уларнинг ерини тортиб олганини қабул қилолмади. Шунинг учун у ерларни ўз эгалари номи билан атаб юришди.

Мен бежиз бу тарихни эсламаяман. Халқ дарёдир, халқ ўлмасдир. Эл-юрт учун қилинган эзгуликни ҳеч қачон унутмайди. Пиримқул Қодировнинг хизматини ҳам эсдан чиқармайди. Чунки эл-юрт фаровонлигига бахшида умр мангуликка дахлдордир.

Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ,
ЎзФА шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими




Одам ўзи хақида ўйлашдан тўхтаган лаҳза яшашдан ҳам чекинади. Ўз-ўзи тимсолида Бани башар, Борлиқ ва Йўқлик хақида недир сўз айтиш — фикр тириклиги, демакки, Улуғлик ва Тубанлик сохиллари аро Ўзини сарсон-саргардон излаётган Одаммавж барҳаёт эканлигини далиллайди. Бундан уч йилча аввал Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва журналистика факультетлари талабалари бирлашувидан дунёга келган «Хилол» тўғарагида ҳам борлиги ёруғ фикрларга лиммолим ёш қаламкашлар жамланган эди. Дастлаб ўзбек филологиясининг жонкуяр муаллимлари Олим Тўлабоев ва Узок Жўрақулов, сўнгра таникли мутаржим Иброҳим Ғафуров бошқарган «Хилол»да жуда қизгин адабий кечалар уюштирилган ва бу кўпчиликнинг ёдида ёрқин хотиралар билан муҳрланиб қолган эди. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу гулдаста бугун ўз сўзига эга ёш ижодкорлар сифатида танилиб улгурган «Хилол»чиларнинг кўнгил дафтаридан бир саҳифа холос. Зеро, ёруғ туйғулар кесишган сарҳад — Тириклик Чорраҳасидаги энг ойдин лаҳзалар одамзотни Ўзига боғлаб тургувчи ягона ва мангу ришта бўлмиш умиднинг поклиниш онияларидир.



Тўлаётган йўл

Йўлларим гуллайди осмон чоқида, Қалдирғоч қаноти қўлимдан тутди. Тоғлар ортидаги уфқни гоҳида Ох, телба кўзларим нақадар кутди. Хижрон ҳижобига ўралмиш кундуз, Тунлар чойшабига ўт қўйди йиллар. Ўзига тортади ёрқин бир юлдуз, Сўнолмай ўтса ҳам сўлган фасллар. Хижрон, мен исмингни киприкка илдим, Унинг камонидан юрагим мажруҳ. Тилларимда туссиз йилларни тилдим, Энди тушларимга кирар оппоқ рух. Мана мазор турар, сукунат — мазор, Унда болалайди вақт аталмиш гул. Дарахтлар шоҳида илинган бир дор... Осмоқчи бўлади ўзини кўнгил. Эҳ, энди кетаман жайронлар эмас, Оққушлар йиғласин қўлимдан тутиб, Энди кетсам маъюс кўзларим эмас, Хув, уфқлар мени олгайдир ютиб.

Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА



Висол илинжи

Бир умид, курум ва моғор босган ўй, Тупроққа беланиб ўлаётган бахт... Хушбўй ифорингдан таралаётган бўй, Бизни кута-кута сўнаётган аҳд. Бир сабр, жуда ҳам метин ва қалин, Унинг измидадир гулгун чечаклар. Юракка ўрнашган ҳасратдан олдин Ҳислар ҳасратларни қувлар, кесаклар. Бир соғинч, афсус ва ноафсус тўла, Юрак Бойчибордай депсинар, урар. Етганда етмаган заиф туйғулар Ёнингда боладек ўксиниб турар. Бир инсон, ҳаёти ҳислардан йироқ, Кабоб бўлиб куйган бағир, беҳуда Тўкилган ёшларни симирган қароқ, Кимнидир чақирган ётиб уйқуда. Бир сулув, қиёси йўқ бу оламда, Ёдга тушган сари ўкинч бошланар. Яна қийнамоққа келди шу дамда, Унинг хаёлидан йўқдир бошпана. Бир висол илинжи, бенаф, бефойда, Тўпланар тарқаган нишжон гулгулар. Сўнгра лабларида табассум, ханда, Кўзларини юмар мангуга улар. Бир ўлим бариға ясайди якун, Ширин хаёлидан бошпана бўлур. Андуҳлар тугайди, ўкинчлар у кун, Муҳаббат айвони хушхона бўлур...

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

Менин оловларим...

Кўзимга тўкилиб келар хиёбон,
Хайрлашмоқ оғир сўнги йўлакда.
Ғамларга кўмилиб кетасан шу он,
Мен эса қоламан хазон кўйлакда.
Юрагимга ботган кипригинг аро
Кўксимга тўкилар синиқ илинжлар.
Яна дийдорингга етгунимча то
Сочимда оқариб кетар соғинчлар.
Ям-яшил ғамларга ўранган бекат —
Юрагимдан ўтар автоуловлар.
Барча ўлимларнинг ичидан кечиб,
Сенинг кўзларингда яшагим келар.
Исмингни ёзаман тонгда Кўёшга,
Тунда тўлағонаман гулардек беҳуш.
Менин оловларим сўнмаган ёшда,
Сенинг кўзларинг туш... киприкларинг туш.

Адиба УМИРОВА




У

Сен бир шоҳсан, сен бир малак,
ҳажр учун фармон берган.
Юрагимдан олиб юрак,
ажр берган, армон берган.
Сочларимда минг битта оқ,
сочларимда минг битта оқ.
Оқ тонларни кутмоқ учун
бир қол-қора осмон берган.

Ютганларим захар, оғу,
тунлар — оғу, сахар — оғу.
Қонларимга қўшиб захар,
дардларимга дармон берган.
Мен бир осий — чоҳ ташланган,
Бандинг, мангу ишқашанганман.
Ишқ бер дея, ишқ бер дея
инграгувчи забон берган.

Муҳиддин АБДУСАМАД



Лаҳза синиқлари


Ёмғир томчиларин қўшиғи гўзал.
Тинглаб сархуш бўлдим,
Синаётган лаҳза оҳангларини...

Тонгда тушларимни сувларга айтдим,
Тунда қурбақалар
қўшиқ айтдилар —
тушларим ҳақда.
Энди сувларга ҳам ишонмай қўйдим.

Кўчқор тусларига кирган булутлар
Шохлашишди.
Ажратмоқчи бўлди чўпон момоқалдирик,
Шовқиндан уйғонди кўзиқоринлар...

Кўзинг — денгиз,
Сурмалардан сарҳад чиздинг.
У томонга ўтсам мени наҳанг ютар.

Муҳаммад СИДДИК



Шамолларга айлангим келди (Туркумдан)


Нечун япроқларни йиғлатар Шамол,
Ажиб сергакликка чорлов, белгими?..
Ёхуд асрларга сиғмаган Машраб,
Осмон руҳи билан қайтиб келдимми?..
Ўзликни парчалаб безабон жарроҳ,
Оч қолган бўридек пойлайди бедор.
Кўринмас атрофда бир илинж, паноҳ,
Кўнгилга суқилар шайтоний ҳумор...
Мўлтираган нигоҳлар увол...

Шовуллайди ташвиш юкланган шамол,
Оғиз жуфтланган-у сўзланмаган роз.
Зулматга ўқталган шаъм нури каби
Беимкон қопқага ёпишган холос.
Кўчкини елкада тутиб турган дард,
Бўғзимга тиқилди эзилган зуғум.
Қайта ютдим беҳол...
Сўнгсиз кўзғолон,
Найзага санчилган чорасиз ҳукм...
Исёнга муҳтож...

Акмал ТОШЕВ

Ёшлар йили

ТАНЛОВИГА



Шун. Дашт. Гулхан.

Ҳеч ким йўқ, мен ҳам йўқ бу далли даштда,
Аммо шу йўқликнинг хувуллаши бор.
Ўзининг инига ўзи сигмаган
Саркаш жондорларнинг увуллаши бор.
Ҳеч ким йўқ, мен ҳам йўқ бу ваҳм даштда
Тунги дашт олишар шамоллар билан.
Ловуллаб кўринди шу дам узокда
Кимдир ёққан, ҳали ўчмаган гулхан.
Ўтга яқин бордим ва пайдо бўлдим,
Жон кирди шамоллар совурган танга.
Кўркувнинг шоҳлари қисирлаб, гингшиб
Туннинг синиқлари ёнарди унда.
Гулхан билан кўнок бўлдим тун бўйи
Кўрқинч шубҳаларни ёкиб беаёв.
Англадим: агар мен кўркмаганимда
Туннинг борлигини билмасди олов.
Ҳамма бор, мен борман, тун, дашт, бўрилар
Ва туннинг лабини куйдирган олов.
Билдим, кундуз — кундуз, тун эса тундир,
Қаршимдаги эса оловдир, Олов.

Шодмонкул САЛОМОВ

Ота

Аёзнинг бир совуқ нафасларидан
Яшириб кўярди отам тўнида.
Зирқироқ бу шомлар зўравонлигин,
Сезмай яшабман-а унинг кўйида.
Хабар берибмикин айғоқчилари
Қиш отин елдириб келди беомон.
Иссиқ тўнингизни тополмай қолдим,
Музлаб бораяпти дунё, отажон!
Музлаб бораяпти дунё, отажон...

Ситора ТОЖИДДИНОВА

Япроқ сонатаси

Япроқ, сен гўзалсан, исминг ҳам гўзал.
Уйқуларинг дилга беради марок.
Сенинг тебранишинг гуллардан афзал.
Сен менинг севгимсан ундан гўзалроқ.
Япроқ, мен сени деб хиёбонларда,
Узун теракзорда унсиз кезаман.
Лайли сўлганидек биёбонларда,
Сен билан сўламан бир кун, сўзаман.
Япроқ, сенга яна нима айтайин,
Тилим тополмайди чиройли сўзни.
Сен деб қишлардан ортга қайтайин,
Соғиниб-соғиниб сен билан кузни.
Шамоллар учирса мен томонга уч,
Ёмғирлар қувласа мени қил пана.
Юрагинг оғриси юрагимни куч,
Эй, музларда қолган буюк афсона!

Нилуфар ҲАЙИТОВА

Гуриллаб ёнмоқда ёлгонлар

Япроқлар қалтирар, дарахтлар нотинч,
Тундан гилам тўқир кекса Роҳиба.
Кўлга қадаҳ олиб омадсиз султон,
Мудом мағлублигин қилар тантана.
Бурчақда титрашиб ётар китоблар,
Соат оят ўқир узундан-узун.
Чинорнинг шоҳига ўтириб олиб,
Дунёни масҳара қияпти Мажнун.
Мағрур юрагини тутганда офтоб,
Субҳидам алдади алдамайман деб.
Тунгача ғазабдан ранги сарғайиб,
Хар тонг Куёш келар уни ахтариб...
Гуриллаб ёнмоқда ёлгонлар бари,
Чирсиллаб тўқилди майда даҳолар.
Тангрим, адолатинг чексизми шунча —
Йигласам «Аналҳақ дори»га қадар!..
Чилпарчин толенинг шотири шароб,
Ишқ экан йўқликнинг қисқа тўлқини.
Санам-о, мени бир дардсиз демагин,
Тўқилмай йиқилсам бир висол куни...
Япроқлар қалтирар, юлдузлар сокин,
Ҳамон нур ахтарар кекса Роҳиба...
Ортса ортаверсин Ҳаёт бор юкин,
Ўзимни кўтарган жонимга нима?!

Алимурод ТОЖИЕВ

...Кўтир босган давр(ас)ининг
энг авж ноталарига чулгонган Буюк
Эш(Шак) эраси хуржундаги но-
жинс аср карвонида туя эгиз туқ-
қан йили, ўша... қисир ондатра
билан сергушт каламушни чапиш-
тиришган (ва алал-оқибат темир-
тўни ҳам кемириб ташлайдиган
беҳисобу беҳижоб... хундор-у
ёлдор... думсиз-у кўзсиз Ўлат
Тўдаси сувайдо байроқлари ос-
тида фитрат нақорасининг тийнат
садоларига ўранган кўйи кўзғол-
ган) ой орасида, ўша... жабрала-
ри дақиқааро идраб бораётган
Эвас Балиги ўмганидаги тойгон-
чиқ туёқлари лаҳза сайин едири-
либ келаётган Зеркиш Ҳўқизи
мазахомуз самимият ювиндисидан
тўйинган хўрлиг-у муқаррамлик
билан сабил қолгур шоҳдор бо-
шини мурсалона-мақтулона са-
рак-сарак қилган, ўша... фаришта
тун кўйнидан бўшанган фоҳиша
кун Чехрасидаги ойдин-ойдин
Беш Лаҳзанинг ҳарир-ҳарис ония
қанотлари узра худди Ўзденгиз-
га қайтиш учун самога сафар қил-
ган ўзтомчи сингари...

...бир пайтлар муқаддас меҳ-
варини ўйнамай бой берган ва-
танларига алвидо айта-айта
Яра(ти)лмаган Макон излаб йўлга
чиққан Аждарҳо Авлодлари бир
муддат нафас ростлаб, сўнг Иб-
тидо Рамақининг интиҳо аввалида
Бахт ва Бахтсизликнинг нимҳира
туманзори кўйида Борлиғ-у
Йўқликнинг мангу муаллақ муво-
занати елкасига ўрнатилган сағир
тарози милини озгина ўнгга
(эхтимол, чапга) буриш умиди бил-
ан Ёввойи Чанг Рақсига эврил-
ган, оқибатда эса истиғроққуй ав-
жида барча «арғамчи»нинг танқай-
ган тумшуғидан тўқилган заҳар
томчилари ўзагини куйдириб
юборган Абадий Баҳоркелмасте-
па пойида ҳали яшашга улгурмай
сочларига қиров инган Ўзмазмун
чўқиси томон бор-у йўқ (бемаъ-
ни-ю асосдор, изили-ю исмсиз)
Ўйин илгарисидан ҳайрон-у хотир-
жам (собит-у ҳадиквор) тикилган
кўйи ёлқиб — чилпиниб — титраб

ўтирардим.
Беш томонимни
Хирс кўшинининг
таъма суворийлари
қамал қилган, Азал-
қоядан йўлга чиққан
ЎЗбургут(им) бор-у
йўқ мадор билан ин-
тилса-да Абадчўқиг-
га етолмай толган,
бинобарин бу беҳу-
да дайдишининг са-
баб-у мақсадини то-
па олмай ҳайрон-
дарада кезиб юрган,
топилдиғ-у ютқизи-
гим қафасга ташлан-
ган йўлбарс нигоҳ-
ларида мангу муз
қотган мунга эврил-
ган эди: исмининг
уч ҳарфини яшаб
бўлгандим.
Ҳали жангга кир-
май туриб кўшини

■ Чодирхаёл



Рамак

мағлуб бўлган саркарда руҳини
қамрагувчи қарахтлик йўсин ту-
тунвор тўлқин сочимдан товоним
қадар оҳиста ўрмаларкан, оломон
оёғи остида эзилган офтобда ид-
раб — бижғиб — айниб қолган
ҳаққуш лошидай тарқланган бада-
ним жимлик кафанига ўранаркан,
Умиддарахтнинг чириган илдизи-
га болта урилгач... вақт чехраси-
ни ҳали ажин(а) тишламай туриб
ниятшоҳларни макон тутган иста-
ккушлар оиласи Борлиғ-у
Йўқликни ларзага сола-сола фа-
рёд кўтариб қочқинлик карвони-
ни тузаркан, энг сўнгги нам би-

лан нафас олишга интилаётган
япроқ каби исмининг охириги
ҳарфини яшамоққа урилардим.
Ямоқлари ҳам йиртиғини
беркита олмаган Мавжудлик чи-
қинди уфунотига булгонган, су-
лув-сулув кийиклар кўнглида
йўлбарс орзуси билан ялтиржун-
ли тўнғизлар кўйнига шошил(а-
ёт)ган, ҳатто қакнус тухумидан
ҳам палағдалик шалтоғига белан-
ган қаркас полапони кўз очган,
таъқиқ меваси ахлатга эврилган
пайтдан халоскорликни бўйнига
олган Якка Бўри уйғонгач... қоп-
қон қисиб қолган оёғини ғажиб

ташлаб... сўнг Борсакелмас
водийси қаърига абадулабад
улоқиб кетган, ҳайвон зоти
борки нишхўрт талашидан...
бир тери остида семириб
озишдан... урчишдан... гина
шодумон қийқираётган, бу-
лутлар булоқ томон... чашма-
лар абр сари интилаётган,
рақам унутган олам азалдан
буён айланажак Ягона Тасбеҳ
Риштасини узмоққа жаҳдлан-
ган, кўбнинг шаъмга ҳавас-
ли ҳасади кўзиган, бир умр
ўз қавмидан масҳара-ю турти-
нишдан ўзга шимилтириқ ҳам
кўрмаган Майна зардобтус
кўлмак кунжагида БАРЧАга
бир кийимлик қор илтижо
этиб ибодат қилаётган... лаҳ-
за... ЎЗдарахт(им)нинг ҳамма
яроғи Мангу Тийрамоҳ қаъ-
ри устига тўшалар, биноба-
рин қаҳратонда кўз очаётган
ғунча сингари ўзуруғим учун
ҳеч ниманинг аҳамияти қол-
маганди. Ахир қачонлардир
шубҳа, хавотир, исён мавжуд

шуна биласизми?.. Бу аёлғу кул
— пўпанак — моҳ — зах — занг...
босган ЎЗим тубида милод(и)дан
буён сўниб бораётган ягона чўғ
Эгаси эканлигини туя оласиз-
ми?.. Ахир... қачонлардир мен
учун ҳам вақт, фарқ, дард... мав-
жуд эди: кемтиқликдан Ўзимни
қўярга на замон ва на макон топа
билардим. Энди эса ҳеч нима
йўқ. Фақат ўша йўқликдан мерос
қолган соя, сўқир табассум,
мўлтироқ назар... гина бор:
йўлбарс нигоҳида муз қотган
ўтмиш...

Мана, ҳозир ўрнимдан тура-
ман-у бир лаҳза ҳам кўз олдим-
дан нари жилмайдиган ўша
йўлбарс қорачўғига муҳрланган
мунгли кеча(м)ни... ўша ЎЗим ту-
бида сўниб бораётган ягона
чўғдан яралажак гулханда... ўша
ҳеч қачон ҳеч қаерда ҳеч нима-
дан хавотирланмай, ҳаловатлан-
май, афсусланмай йўнлган косов
билан кавлаб-кавлаб ёкиб юбора-
ман...

Ана, ҳали яшашга улгурмай
сочларига қиров инган Ўзмазмун
чўқисидан беранг тутун ўрла-
моқда... Ана, беш томонимдан
асир олиш мақсадида қамал
қилиб келаётган Манфаат кўши-
ни тўлғама тўрларини мен то-
мон ташлаётир... Ана, қўлтиқла-
рим орасида ис босиб ётган
қанотлар мудҳиш парвоз умиди
билан таранглашиб борапти...

...ва ўша Аждарҳо Авлодлари
бир лаҳзагина нафас ростлаган...
Кўклам талок берган мана шу
етим Заҳартепа пойида энаси
чала туғиб улоқтирган мана шу ир-
кит дунёга қўшиб... ҳали яшашга
улгурмаган исмининг мана шу
охириги ҳарфини худди илон пўст
ташлагандек абадулабад унутиб...
Ўзмазмун чўқисини(дан) ўзимдан-
(ни) ажратиб турган табу туманзо-
рига сингиб борарканман, тирик-
мидим ё ўлик... руҳ билан эдим-
ми ёки тан билан... исмлигим
ёхуд исмсиз... билолмадим.

Умид ЯЪҚУБ

? Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси

Мақтаб ўқитувчиларига меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича ҳақ тўлаш миқдори қандай белгиланади?

Нурмуҳаммад НАХАНГОВ,
Тошкент шахри

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сонли қарори билан 2002 йил 1 мартдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланадиган нафақаларнинг миқдорларини аниқлаш бўйича айрим ўзгартиришлар киритилган. Жумладан:

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, ОИТС, мохов касаллиги ҳамда руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий сугурта бадалли тўлаган даврининг (умумий меҳнат стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги миқдорларда:

а) иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридан:
— умумий меҳнат стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга;
б) иш ҳақининг 80 фоизи миқдоридан:
— умумий меҳнат стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга;
в) иш ҳақининг 60 фоизи миқдоридан:
— умумий меҳнат стажи 5 йилгача бўлган ходимларга тўланади.

Қолган ходимларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси, улар томонидан давлат ижтимоий сугурта бадалли тўлаган даврининг (умумий меҳнат стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда куйидаги миқдорларда:

а) иш ҳақининг 80 фоизи миқдоридан:
— умумий меҳнат стажи 5 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин етимларга;
б) иш ҳақининг 60 фоизи миқдоридан:
— умумий меҳнат стажи 5 йилгача бўлган ходимларга тўланади.

Меҳнат стажининг давомийлигидан қатъи назар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақани 100 фоиз миқдоридан олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар учун аввал қўлланилган тартиб сақланиб қолинган.

? Қўшимча устама ҳақи

Ўқитувчилар учун қўшимча устама ҳақи таътил кунлари (меҳнат таътили)да ҳам тўланадими? Ўқитувчилар асосий иш жойи ва қўшимча (соатбай ҳисобида бошқа мактабда ишласа) устама ҳақи олиш ҳуқуқига эгами?

М.ҚОБУЛОВА,
Нукус шахри

Барча тип ва номдаги умумтаълим мактабларининг ўз касбига содиқ, юксак касбий маҳорат ҳамда ҳалол, ташаббускор ходимларини рағбатлантириш, касбий маҳоратини ўстириш мақсадида директор жамғармасидан тўланадиган куйидаги:

Ўқувчилар билан тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар олиб борилишининг юксак даражаси учун тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 15 фоизигача миқдорда;
касб маҳорати ва таълим жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 25 фоизигача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгиланади.

Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкаларига директор жамғармаси ҳисобига ҳар ойлик устамалар ҳар бир ўқув йилида олдинги ўқув йил иш якунлари бўйича белгиланади ва ҳар бир ўқув ярим йиллиги якунлари бўйича қайта қўриб чиқилиши мумкин.

Умумтаълим муассасаларининг раҳбар ходимларига ва ўз фаолиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга оширадиган ўқитувчиларга мазкур ҳар ойлик устамалар белгиланмайди.

Ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш ва умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан қабул қилинади.

Бунда халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари (туман, шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва вилоят халқ таълими бошқармаларининг махсус комиссиялар фаолиятига ҳамда улар қабул қиладиган қарорларга аралашувига йўл қўйилмайди.

Ҳазратим ҳасратда доғ...

Худойберди Бозоров 2004 йил декабр ойида меҳнат таътилга чиққач, унинг ўрнига Ҳазратқул Қўшоқов «Жомбойдон» АЖнинг кўриклаш бўлимига бошлиқ бўлиб турди. Мазкур лавозимда 20 кунча ишлаб кўра биноидек тинч, бунинг устига топар-тутарда ҳам қолипи қаричига мос, сердаромад жой экан. Лекин, афсуски, ишда энди кўриниб, қулф-қалитларнинг очилди-ёпилдисига тушуниб бораётганида муддат тугаб, қўлидаги тайёр ошни Худойберди Бозоровга топширишига тўғри келди. «Бу қанақаси, Худойберди билан бирга ўйнаб ўсган, бўй-бастанда, ақл-фаросатда ундан кам жойи бўлмаса-да, нега тайёр ишни унга топшириб, жимгина туриши керак? Йўқ! Бундоқ ўйлаб, бир чорасини толмаси бўлмайди!», — тинимсиз ўйларди у. Назариди биргина шу Бозоров турфайли ризки ярим бўлиб қолаётгандек.

Шундан кейин ҳасадчининг пайтавасига қурт тушди. «Рақибига дўқ-пўписа ва маънавий таъкиб билан ошқора таъийқ ўткази бошлади. Булар самара бермаган, Бозоровнинг фаолиятини кузатиб, турли бўҳтонлар тўқиганча юқори ташкилотларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шикоят жўнати бошлади. Ёлгон-яшиқ, оворагарчилик, ноўрин текшир-текширлардан тоқати тоқ бўлган Х.Бозоров бундай безбетликнинг сабабини сўраганда, «давоғар» «Сендан кам жойим йўқ, Э жойини бўшат ёки топимларинг ҳисобидан менга пул бериб турсан. Бўлмаса, сени тинч ишлатмайман» дея дағдаға қиладди.

Кейинги гал Х.Бозоровнинг иш жойига кириб келган Ҳазратқул уни қўриқтириб, очикдан-очик таъмагарлик қилиб, «мен айтган муддат ичида 2000 доллар келтириб берасан. Бўлмаса, ҳар кун шикоят ёзавераман!» дея қатъий талаб қўяди. Неча бор ёзмасин, текширувлардан бирор наф чиқмаган. Камчиликлардан чўчиб эмас, балки узоқ давом этган машамашлардан тоқати тоқ бўлган Х.Бозоров 2 та ҳўкиз ва 2 та сигирини сотиб, товламачи қўлига айтган пулини тутқазди.

Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Таъмагарлик ширасини татиб кўрган Ҳазратқул Қўшоқов орадан ойлар ўтган, 2008 йил 5 феврал кун «Жомбойдон» биноси ёнига келди. У ерда Худойберди Бозоровни такроран чақиртирди... Таҳдидлар эвазига ундан 300 минг сўм пулни олди.

Ҳазратқул аллақачон товламачилик йўлига ўтиб олган эди. Жумладан, 2008 йил 28 январ кун «Жомбой тумани «Дехқонобод» маҳалласида жойлашган «Маҳмуд Раҳмон» фирмасига қарашли 32-АЁҚШга келиб, 14 Е 5498 номерли «Нексия» машинасига 20 литр суюлтирилган газ қўйиб кетиб, эртаси кун қайтиб келди-да, жанжал кўтарди. «Кеча оз ва сифатсиз ёқилги қўйиб бергансизлар» дея 10 литр суюлтирилган газни текин олиб кетди. Орадан 3-4 кун ўтган улибу АЁҚШга яна келиб, фирма таъсисчиси Жамшид Умаровга рубарў бўлади. Узини туманининг номдор раҳбари қилиб таништириб, ҳар ой унга ҳақ бериб туриши шартлигини маълум қилади ва 300 минг сўм олади.

Орадан бир ҳафта ўтмай, Ҳазратқул ундирган 300 минг сўм тугайди. Шундан кейин у яна 32-АЁҚШга келиб, фирма таъсисчиси Ж.Умаровни чақиртиради ва 200 минг сўм пора талаб қилади.

Белгиланган вақт, яъни, соат 16 ларда пулни олиб кетишга келган Х.Қўшоқов қати бузилмаган пачкали пулларни чўнтагига ураркан, қаддини ғоз тутиб «Нексия» сига ўтирди. Утирди-ю узоқ кетишга улгурмади. Чунки махсус ранг билан ишлов берилган пуллар Самарқанд вилояти ИИБ ходимлари томонидан тақдим этилган эди-да. Холислар иштирокида ўтказилган махсус тадбирда шу тарзда пул дардида юрган товламачининг фаолиятига чек қўйилди.

Аввал ҳам жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан судланган, сочига оқ оралай бошлаган Ҳазратқул энди қатор йиллар оиласидан узоқда яшашга мажбур эканлигини ўйласанг, ачинасан киши. Ҳаром пул наҳотки иймондан, виждондан устун турса?

Олимжон МИРЗАЕВ,
Самарқанд тумани прокурори

? Имтиёзли пенсия

Маданият институтини тамомлаб, 1977 йилдан қишлоқ кутубхонасида кутубхоначи, кутубхона мудири, марказий кутубхонада 1990 йилдан библиограф, бош кутубхоначи, бўлим мудири вазибаларида ишлаганман. Ҳозирги кунда имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгаманми? Бош кутубхоначи бўлиб ишлаган даври имтиёзли пенсияга чиқишда ҳисобга олинадими? Бўлим мудири бўлган даврини?

М.ТОЛИПОВА,
Яйпан шахри

Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби «Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун билан белгиланади.

Ушбу Қонуннинг 12-моддаси «К» бандига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатининг VII-қисмига асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари, шунингдек, кутубхона мудири ва кутубхоначилари қайси соҳага тегишлилигидан қатъи назар, умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эркеклар 55 ёшдан камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирдагина имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

? Коллежни битирганман...

2003 йил педагогика коллежини битириб, бошланғич синфларга ўқитувчи бўлиб ишга кирдим. Жорий йилдан бошлаб мактаб директори менга дарс соатлари ажратишни хоҳламади. Сабабини сўраганимда эса тайинли жавоб ололмаяман. Коллежни битирганларнинг ростдан ҳам дарс беришга ҳаққи йўқми? Бу ҳақда қонунларимизда нима дейилган?

Н.УМРЗОҚОВА,
Қашқадарё вилояти

Касб-хунар коллежлари аввалдан мавжуд бўлган хунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари негизда турли йўналишларда ташкил қилинган. Янгидан ташкил этилаётган касб-хунар коллежлари аввалги ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган билим юртларидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан фарқ қиладди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 18 июлдаги №166 буйруғи асосида Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи асосида

— бошланғич таълим йўналишини битирганлар мактабларда кунли узайтирилган гуруҳларда тарбиячи, бошланғич синфларда тасвирий санъат ва меҳнат тарбиячиси раҳбари, тарбиявий ишлар катта етакчиси;
— мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ихтисосликлари бўйича битирганлар тўғрақ ишлари раҳбари (фаолият турлари бўйича) тарбиявий ишлар катта етакчиси, тўқувчилик, тикувчилик, каштачилик ва пазандачилик ишлар тасвирий санъат;
— мактабгача ва оилавий таълим йўналишида мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи, мактабгача таълим муассасаларида болаларга чет тилини ўргатиш ва компьютер саводхонлиги бўйича тарбиячи ва гувернёр-тарбиячи этиб ишга расмийлаштирилиши мумкин.

? Таътилдан қайтгач...

Келиним бошланғич синфларда 10 соат дарси ва 0,5 ставка гуруҳ тарбиячилиги бўйича оналик таътилга чиқди, таътилдан қайтгач, шу 10 соат дарс ва 0,5 ставка гуруҳ тарбиячилиги билан ишлашга ҳақлими?

А.АБДУРАҲМОНОВ,
Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддасига биноан ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугашидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллار меҳнат стажига, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Саволларга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб берди.

Донолар ёемишки...

Илмдан бир шуъла дилга тушган он, Шунда билурсанким, ИЛМ бепоён.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

ЎЗБЕКISTON

20:35 «Истиклол шухри», 20:40 «Ешлар илҳоми», 21:05 «Кўча оқшоми», Т/с...

TOSHKENT

17:50 Қўрағуллар тартиби, 17:55 Мультифильм «Денгизда», 18:05 «Миллий мерос»...

ПЕРВЫЙ

04:00 Телеканал «Доброе утро», 08:00 «Новости», 08:05 Телеканал «Доброе утро»...

ТВ-3

07:00 М/Ф «Космические ковбои», 07:45 М/Ф «Смешарики», 08:15 М/Ф «Мир Бобби»...

СТС

07:00 Т/с «Зна - королева», 07:30 «Светлана», 08:00 «Светлана», 08:30 «Светлана»...

SPORT

7:00 «Бодро утро», 8:00 «Хабарлар» (рус тили), 8:25 «Манақо», 8:25 «Манақо»...

РОССИЯ

04:00 «Доброе утро, Россия!», 07:35 «Ленинградское дело», 08:50 Т/с «Осенний детектив»...

ДОМАШНИЙ

05:30 Уроки осторожности, 06:00 Домашние сказки, 06:30 Т/с «Моя жена меня приворожила»...

YOSHLAR

18:00 Мультифильм, 18:15 «Спорт клуб», 18:30 «Хабарлар» (рус тили), 18:50 «Спорт клуб»...

DTV

07:00 «Удачное утро», 07:50 Музыка, 08:25 «Телеадаман», 08:25 «Телеадаман»...

TV-МАРКАЗ

07:00 «Узбек навалари», 08:00 «Сериал «Хасилта ушаш», 08:30 «Учлар муборака»...

НТС

05:00 «Светлый уторм», 08:30 «Сериал «Чингизхан», 10:30 «Узбек навалари»...

ЎЗБЕКISTON

17:30 «Чемпион», 17:50 «Миллий мерос», 18:10 «Бўла», 18:50 «Шарк гавари»...

TOSHKENT

7:25 Қўрағуллар тартиби, 7:30 «Сайлон», 7:30 «Сайлон», 7:30 «Сайлон»...

ПЕРВЫЙ

04:00 «Новости», 05:00 «Фонгизан», 05:55 Худ. фильм «Мой брат», 06:15 «Фонгизан»...

ТВ-3

09:00 «Новости», 09:20 «Непутевые заметки», 09:35 «Поква все дома», 10:25 «Фазанда»...

СТС

07:00 «Светлана», 07:30 «Светлана», 08:00 «Светлана», 08:30 «Светлана»...

SPORT

8:00 «Хабарлар» (рус тили), 8:20 «Бодро утро», 8:20 «Бодро утро»...

РОССИЯ

04:20 Х/ф «Человек родился», 04:20 Х/ф «Человек родился»...

ДОМАШНИЙ

05:30 Уроки осторожности, 06:00 Домашние сказки, 06:30 Т/с «Моя жена меня приворожила»...

YOSHLAR

18:00 Мультифильм, 18:15 «Спорт клуб», 18:30 «Хабарлар» (рус тили), 18:50 «Спорт клуб»...

DTV

07:00 «Удачное утро», 07:50 Музыка, 08:25 «Телеадаман», 08:25 «Телеадаман»...

TV-МАРКАЗ

07:00 «Узбек навалари», 08:00 «Сериал «Хасилта ушаш», 08:30 «Учлар муборака»...

НТС

05:00 «Светлый уторм», 08:30 «Сериал «Чингизхан», 10:30 «Узбек навалари»...



OZBEKISTON

5.55 Курстатулар дастури, 7.25 Курстатулар дастури, 7.30 «Салом, Тошкент!»...

IV-MARKAZ

07.00 Узбек навалари 09.30 Мультифильм 11.30 «Авал келиб»...

ТВ-3

07.00 М/ф «Ангел» 08.00 М/ф «Ангел» 09.00 М/ф «Ангел»...

ТВ-3

07.00 М/ф «Ангел» 08.00 М/ф «Ангел» 09.00 М/ф «Ангел»...

YOSHLAR

6.55 «Юшлар» салони, 7.00 «Даврият боласи», 7.10 «Мультиплатина»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тил), 8.20 «Бордо устро», 9.20 «Акс»...

ROSSIYA

06.10 «Студия «Здоровье», 06.45 «Вся Россия», 06.55 «Сельский час»...

DOMASHNI

05.30 «Уроки хорошего поведения», 06.00 Домашние сказки, 06.30 Домашние сказки...

DIV

07.00 «Удачное утро», 07.50 Музыка, 08.00 «Школа»...

OZBEKISTON

5.55 Курстатулар дастури, 7.00 «Ассалом, Узбекистон!», 7.05 «Мехрибонгинам»...

IV-MARKAZ

07.00 Узбек навалари 09.30 Мультифильм 11.30 «Авал келиб»...

ТВ-3

07.00 М/ф «Ангел» 08.00 М/ф «Ангел» 09.00 М/ф «Ангел»...

ТВ-3

07.00 М/ф «Ангел» 08.00 М/ф «Ангел» 09.00 М/ф «Ангел»...

YOSHLAR

6.55 «Юшлар» салони, 7.00 «Даврият боласи», 7.10 «Мультиплатина»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тил), 8.20 «Бордо устро», 9.20 «Акс»...

ROSSIYA

06.10 «Студия «Здоровье», 06.45 «Вся Россия», 06.55 «Сельский час»...

DOMASHNI

05.30 «Уроки хорошего поведения», 06.00 Домашние сказки, 06.30 Домашние сказки...

DIV

07.00 «Удачное утро», 07.50 Музыка, 08.00 «Школа»...

OZBEKISTON

5.55 Курстатулар дастури, 7.00 «Ассалом, Узбекистон!», 7.05 «Мехрибонгинам»...

IV-MARKAZ

07.00 Узбек навалари 09.30 Мультифильм 11.30 «Авал келиб»...

ТВ-3

07.00 М/ф «Ангел» 08.00 М/ф «Ангел» 09.00 М/ф «Ангел»...

ТВ-3

07.00 М/ф «Ангел» 08.00 М/ф «Ангел» 09.00 М/ф «Ангел»...

YOSHLAR

6.55 «Юшлар» салони, 7.00 «Даврият боласи», 7.10 «Мультиплатина»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тил), 8.20 «Бордо устро», 9.20 «Акс»...

ROSSIYA

06.10 «Студия «Здоровье», 06.45 «Вся Россия», 06.55 «Сельский час»...

DOMASHNI

05.30 «Уроки хорошего поведения», 06.00 Домашние сказки, 06.30 Домашние сказки...

DIV

07.00 «Удачное утро», 07.50 Музыка, 08.00 «Школа»...

OZBEKISTON

19.30 «Куз дули», Т/с, 20.10 «Устоз хақида суз», 20.15 «Тошкентлохуми»...

TOSHKENT

7.25 Курстатулар дастури, 7.30 «Салом, Тошкент!»...

ТВ-3

07.00 М/ф «Ангел» 08.00 М/ф «Ангел» 09.00 М/ф «Ангел»...

ТВ-3

07.00 М/ф «Ангел» 08.00 М/ф «Ангел» 09.00 М/ф «Ангел»...

YOSHLAR

6.55 «Юшлар» салони, 7.00 «Даврият боласи», 7.10 «Мультиплатина»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тил), 8.20 «Бордо устро», 9.20 «Акс»...

ROSSIYA

06.10 «Студия «Здоровье», 06.45 «Вся Россия», 06.55 «Сельский час»...

DOMASHNI

05.30 «Уроки хорошего поведения», 06.00 Домашние сказки, 06.30 Домашние сказки...

DIV

07.00 «Удачное утро», 07.50 Музыка, 08.00 «Школа»...

Пайшанба 18 сентабр

19.30 «Кўз дўли», Т/с. 20.10 «Устоз хавида бўла»... 20.15 «Киномафия»... 21.00 «Эшлар илҳами»...

TOSHKENT

7.25 Курстангулар тартибди. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кичи-лоҳар, инфоформацион-муслимий дастур...

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Узбек наволари 08.00 Сервал «Жасоига ухша-ши йўқ»...

ТВ-3

07.00 М/Ф «Трансформер» 07.45 М/с «Космические ков-бой»...

ТВ-Э

02.15 Т/с «Братва» 02.30 Т/с «25 чело века» 03.05 Т/с «Холм одного де-рева»...

19.00 «Давр» 19.30 «Кўз дўли», Т/с. 20.10 «Устоз хавида бўла»...

TOSHKENT

7.25 Курстангулар тартибди. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кичи-лоҳар, инфоформацион-муслимий дастур...

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Узбек наволари 08.00 Сервал «Жасоига ухша-ши йўқ»...

ТВ-3

07.00 М/Ф «Трансформер» 07.45 М/с «Космические ков-бой»...

ТВ-Э

02.15 Т/с «Братва» 02.30 Т/с «25 чело века» 03.05 Т/с «Холм одного де-рева»...



Шахватпарастлик, фоҳишалик инсониятнинг «қадимий касби», азалдан ҳамроҳи бўлиб келмоқда; бирорта ҳам юрт, элат уларни четлаб ўтолмаган. Деярли эллик аср олдин қадимги Хитой хони Хоанг-ту амри билан тузилган табобат тўплами «Неуикинг»-да заҳм касаллиги ҳақида батафсил, ҳозирги тасаввурлардан қолишмайдиган маълумотлар берилган. Заҳм касаллиги жинсий алоқадаги палапартишлик, зўриқиш ва ички органлар функцияларининг бузилиши натижасида пайдо бўлади. Қадимги Хиндистон, Миср, Ўртаер денгизи ва Жанубий Америка халқлари тарихида фахш, проституция культ даражасида улуғланганини кўрамыз. Масалан, хиндистонликлар Сива (Шива) шарафига ўтказилган байрамларда оммавий тарзда, очикдан-очик фахшга берилганлар. Страбоннинг ёзиб қолдиришича, Хиндистонни минглаб фақирлар (браҳманлар ёки бирор диний-спиритуалистик таълимотни тарғиб этувчилар назарда тутилаётган бўлса керак — В.А.) кезиб юрган. Улар барча жойларда, оилаларда катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинган, эркаклар ўз аҳли аёлларини уларнинг ихтиёрига қолдирган (қаранг: Дюпуи Е. Проституция в древности. — Кишинёв, «Логос», 1991. — С.11 ва 6.). Шахватпарастлик, проституция одатий ҳодиса бўлгани учун қораланмаган, балки ўша даврда ҳукмрон патриархал муносабатлар таъсирида ҳатто қурбонлик бериладиган илохий ҳодиса сифатида шарафланган. Ахлоқий, ҳуқуқий нормаларнинг ривожланмагани, медицинага оид билимларнинг камлиги, оммалашмагани ҳайвоний, ибтидоий инстинктларга берилишининг анъана сифатида яшашига сабаб бўлган.

Ижтимоий тараққиёт ибтидоий инстинктга, фахшга берилишни чеклаш зарур деган қарорга келган, шу тариқа проституцияни қораловчи ахлоқий, маъмурий ва ҳуқуқий нормалар яратилган. Шаҳвоний истакларни эр-хотин муносабатлари, оила, фарзанд кўриш нияти доираси билан чегаралаш ижтимоий ҳаётда инсоният эришган энг улкан ютуқ эди. Аммо ижтимоий тараққиёт одам зотидаги шахватпарастликни, ибтидоий инстинктларга берилишни тўла жиловлай олмади, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар жиндек унутилган заҳоти ҳайвоний хирсини қондиришга муккасида кетган кимсалар, гуруҳлар пайдо бўлаверди. Бугун оммавий ахборот воситаларида, адабиётларда «глобал инкирозлар», «глобаллашув жараёнлари», «глобал аёллар савдоси» иборалари ишлатилмоқда. Секс-трафикнинг инсон шаъни ва ҳуқуқларини, ижтимоий-ахлоқий нормаларни топтовчи, «қадимий касб»ни улуғлаб, гендер нотенгликни авж олдирувчи воқеликка айланаётгани соғлом фикр эгаларини ташвишга солмоқда.

2003 йили канадалик журналист ва тадқиқотчи Виктор Маларек «Наташалар сотилади. Янги глобал аёллар савдоси» деган китобини чоп эттирди. Китобда келтирилган мисол ва далиллар, ўртача ташланган муаммолар кишини титроққа, қалбини ваҳимага солади. «Бугун одамлар савдоси, — деб ёзади В. Маларек, — яширин қуроллар ва наркотик моддалар сотишдан кейин учинчи ўринда турадиган даромадли бизнесга айланган. БМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, у жинорий гуруҳларга йилига 12 млрд. АҚШ доллари миқдоридан соф фойда келтирмоқда». Демак, ижтимоий тараққиёт, жамиятни инсонийлаштириш учун жиддий курашишга тўғри келади. Инсоният, бир томондан, ҳаётини гўзаллаштиришга, демократик қадриятларни қарор топтиришга, шахс ва жамият муносабатларида қонун устуворлигини таъминлашга интилаётган бўлса, иккинчи томондан, унинг ушбу олийжаноб



с а ъ й - ҳаракатларини йўққа чиқаришга, ўз нафсини қондириш учун ҳар қандай жиноятга шай кимсаларнинг ҳудудий, ҳатто трансмиллий уюшмаларига дуч келаяпти. Цивилизацияда зотидаги зўравонликка, фахшга мойилликни бартараф этиши зарур эди, афсуски, у ушбу иллатларни янги глобал воқеликка ҳам айлантирмоқда. Виктор Маларекнинг китоби ушбу янги глобал воқеликни келтириб чиқараётган омиллар, улар негизда ётган нафс, фахш, зўравонлик, дискриминация каби густоҳона иллатлар ҳақидадир. Муаллиф уларни фош қилар экан, инсонлараро муносабатлар эзгулик ва поклик, ҳамдардлик ва ҳамкорлик каби ахлоқий принципларга асосланишини ис-тайди, акс ҳолда нафс ва фахшга берилиш зўравонлик, дискриминация ва гендер нотенгликни келтириб чиқараверади. Мазкур муаммолар гендер фалсафасига ҳам бевосита алоқадордир. Социалистик лагер ва СССРнинг тарқалиши тинч йўл билан амалга ошди. Тарихда бирорта ҳам империя тинч йўл билан барҳам топмаган, давлатнинг тугатилиши мудом қон тўкишларга, қурашларга олиб келган. Аммо СССРнинг тугатилиши кишиларни, халқларни бир-икки асрда

ларга банди, муте бўлиб қолди. Оилаларда ажралиш кескин ошди, аёлларнинг криминал гуруҳларга қўшилиши кундалик ҳодисага айланди. Ўз юртида иш тополмаган, оиласи ёки ночор, касалманд ота-онасини боқолмаган хотин-қизлар АҚШ, Австрия, Англия, Белгия, Бирлашган Араб Амириги, Германия, Греция, Голландия, Исроил, Испания, Италия, Жанубий Корея, Туркия, Швеция, Франция ва Япония каби давлатлардан ҳомий-сутенёрлар ёрдамида юмуш қидиришга тушдилар. Бугун «ишлаб келиш» баҳонасида собиқ СССР ҳудудидаги республикалардан ҳар йили 175 минг хотин-қиз юқоридаги чет элларга боради. Москва ва Санкт-Петербургниң ўзида турли республикалардан келган 150 минг хотин-қиз тунги клубларда «хизмат кўрсатади». Ушбу клублар нафақат тунда, «хизмат ҳақи»ни тўлашга тайёр ҳар бир эркак учун кундузи ҳам эшикларини очишга тайёр. 20-асрни ци-

насини сотишдан келган даромад, доллар. Меҳнат қилиб кун кўришга ўрганган совет кишилари 1980-йилларнинг охирида юзага келган инкирозларнинг сабабини маъжуд тузумдан кўриши табиий ҳол эди. КПССга қарши чиқишлар бутун тузумни, халқ яратган қадриятларни рад этишга айланди. Обруъ ва бойлик топиш ниятида юрган, маъжуд тузумдан аламзада гуруҳларнинг ошқоралик ва плюрализм байроғи остида олиб борган бузғунчи тарғиботи эса уларда Фарбга сийнишни, ундан нажот излашни келтириб чиқарди. Натижада совет кишиси

Виктор АЛИМАСОВ, Фалсафа фанлари доктори, профессор

— ҳомийлар»нинг жинояти очилади. Яна бир мисол, LA STRADA инсон ҳуқуқлари нодавлат ташкилотининг хабарига кўра, 2000 йили германиялик «ҳомийлар» қизчалардан тузилган ансамблга Европа бўйлаб турне ўтказишни, шу тариқа доллар ишлаб топишни таклиф этишади. Йўл сарф-харажатларини ўз зиммасига олишади. Сододадил, ўз иқтидорини Европа санъат шинавандаларига кўрсатиш имкони туғилганидан қизчалар хурсанд эдилар. «Ҳомийлар» қизчаларни Германияга олиб келиб исловатхоналар ва бошқа давлатлардан келган сутенёрларга сотиб юборишади. Шу тариқа эндигина ҳаётга қадам қўйган қизчалар фоҳишага айлан-тирилади.

Дрезден — Прага йўналишидаги беш километрлик Е-55 трассаси дунёдаги фахш бандаларига жуда яхши маълум. Ушбу трассаниң икки томонида ўз танасини сотишга мажбур қилинган хотин-қизлар қаторлашиб туришади. Улар 40-45 долларга ҳар қандай истагингизни қондиришга тайёр. Ўз кўзи билан кўрганларидан ҳайратга тушган В. Маларек



Аёллар савдоси

визациянинг чўққиси сифатида қанча улуғлашмасин, айнан ушбу даврда аёллар савдоси, секс-трафик, проституция глобал воқеликка айланди. Бу воқеликни 1970-йилларда жануби-шарқий осиелик (тай ва филиппинлик) аёллар Европа ва АҚШга оммавий кўчиш билан бошлаб берган бўлсалар, 1980-йилларда улар сафи га ганалик, нигериялик, кейинроқ эса колумбиялик, бразилиялик, доминиканлик аёллар ҳам қўшилди. Секс-трафик ва проституция социалистик лагер ва СССР тарқалганидан кейин ҳақиқий глобал ҳодисага айланди. АҚШ ва Европа фахш бозорларига аввал Венгрия, Чехия ва Польша, кейин Украина, Молдова, Россия, Беларус, Руминия, Грузия ва Болгария хотин-қизлари қатнади. 1990-йилларнинг охирига келиб ушбу бозорларига Арманистон, Озарбайжон ва Марказий Осиё республикаларидан келадиган хотин-қизлар тўлдирди. Шу тариқа 21-аср арафасида дунёнинг барча давлатлари ва минтақаларида фахш бозорлари юзага келди. Ушбу бозорда фақат бир нарса сотилади ва сотиб олинади — аёл танаси, унда фақат бир нарса эъзозланади — аёл та-

кимсага нажоткор сифатида қарайдиган, унинг сўзлари ва йўл-йўриқларига лаққа ишонадиган бўлди. Совет кишисидаги ушбу соддадиллик, ишонувчанлик аёллар савдоси билан шугулланиб бойлик орттиришни касб қилган кўшмачи-сутенёрларни «йирик тадбиркор»ларга айлантирди. 1999 йили германиялик икки «тадбиркор» болалар уйларига ҳомийлик ниқоби остида Карелияда пайдо бўлишади. Улар мактабни битираётган 16-17 яшар қизчаларни Хитойда ўқитиб, Германияда нуфузли муассаса ва ресторанларда ишлатамиз деган ваъда билан олиб кетишади. Ота-онасиз ўсган қизчаларни касб-корга ўргатиб, кейин иш билан олган ҳомийлар топилганидан ҳамма беҳад шод эди; улар қизларни тантан билан кузатиб қўйдилар. Ҳомийлар қизчалар минган автобусни Хитойга эмас, тўғри Германияга ҳайдашади. Содда, ҳали ҳеч нима кўрмаган қизчаларни «тадбиркорлар» фоҳишахоналарга сотишади. Куну тун ўнлаб эркаклар билан қизчалардан бир нечтаси қочиб муваффақ бўлади, шу тариқа «тадбиркор

трассани «сюрреалистик томоша», «бешафқат цирк», «инсон изтиробларига фарқ дунё» деб атади. Трассадан ўтгач, Дуби қишлоғи келади. Ушбу қишлоқ туғруқхонасига ҳар йили ўнлаб аёллар чақалоқларини ташлаб кетишади. Ҳайратланарли томони шундаки, сутенёрлар аёлларни ҳатто ҳомилдор пайтида ҳам эркаклар билан ётишга мажбур қилар экан. Ҳомилдор аёл билан бўлиш ниятида шу ерга АҚШ, Канада, ҳатто Австралиядан ҳам эркаклар келаркан. Жаҳон тафаккури ва маданиятга улкан, бетакрор ҳисса қўшган мутафаккирлар ётиштирган Германияда инсон ҳуқуқи ва шаънини топтовчи шундай ҳодисалар бўлаётганига ишон-гинг келмайди. Маълумотларга кўра, Германияда ўртача 400 минг фоҳиша бор, уларнинг 80 фоизи собиқ СССР ҳудудидан келтирилган. Интим хизматлар кўрсатувчи бар ва клуб — исловатхоналарнинг йиллик даромади 4,5 млрд. доллардан зиёддир. Булар Германияда, жумладан Нидерландияда ҳам проституция билан шугулланиш ва исловатхоналар очибга рухсат этилгани натижасидир.

(Давоми бор)

Ҳангома

Йўл азобчи

Кунлардан бир куни Самарқанд вилоятида шифокор бўлиб ишлаётган собиқ курсдошимиз тўйга таклиф қилиб қолди. Қизини узатаётган экан. Шу баҳонада пойтахтда фаолият кўрсатаётган курсдошлар йиғилишиб, йўл тараддуди хусусида маслаҳатлашиб олдик.

— Менинг жуда инсофли бир кўшним бор, — деб қолди тиббиёт фанлари номзоди, жарроҳ дўстимиз Аҳмадхон. — «Фиат»ми, «Форд»ми, ишқилиб, яхши бир машинаси бор, ўн икки ярим кишини сиғдирадиган... Багажига ҳам тўртта сўлоқмонни жойлаштира бўлади. Истасанглар, ўшани кира қилиб бориб келамиз.

Бу таклиф ҳаммамизга мойдек ёқиб тушди. Бир тарафдан ўнта собиқ курсдошлар йўлда яримтагинани майдалаб, ҳамсухбат бўлиб бориб-келишимизга, иккинчи томондан эса ўзимизнинг енгил машиналарни овоза-жаҳон қилмасликка имкон туғилган эди.

Хуллас, машина соҳиби бир амаллаб кўндирилиб, эртаси каллаи-саҳарлаб йўлга тушадиган бўлди. Ҳали сўфи таҳорат олиб улгурмасидан белгиланган манзилда йиғилишдик. Не кўз билан кўрайликки, бизни қарийб минг чақиримга олиб бориб қайтадиган машина аллақандай бир ранг-туси номаълум, чириган капоти орасидан зангланган симлар, қорамой юки унлаб кетган иплар осилиб турган алмисоқдан қолган шалоқ арава экан, уни кўриб аксариятимизнинг фельлимиз айнади. Аммо ҳайдовчи анча қув экан.

— Машинам сал қадимийроқ бўлса-да, мотори зўр тортади, — деди у ҳаммамизни ишонтириб. — Улфати чор, анда маза бор қилиб роҳатда бориб келасизлар! Қани иловҳи овмиш, сафаримиз бехатар бўлсин! Энди сурдик, азизлар!

Сурдик дегани салонга киринг, деган кўчма маънони англатса керак деб ҳаммамиз ўзимизни ичкарига урдик. Аммо қувноққина шофёр бола шкафдек гавдаси билан эшикни тўсди.

— Аккумуляторим сал неторок, — деди у уялиқираб. — Жичча итарсанглар, йўрғалаб кетади. Қани бисмиллоҳир роҳманир роҳийм! Ҳазрати Али ҳаммангларга куч-

қувват берсин!

Курсдошларимизнинг қарийб ярми аёллардан иборат бўлганлиги боис уларни салонда қолдириб, эракман дегани машинанинг орқасига ўтди. Бу жониворнинг вази нақ танкниқича борга ўхшайди, беш киши аранг силжитдик. Жичча деганлари эса камида икки юз метр экан! Хуллас, чорак соатлик овозагарчиликдан сўнг мотор ўт олди.

Машина томири тортишаётган бемордек титраб-қақшаб йўлга тушди. Салон ўртасига қўлбола мослама ўрнатиб, устига топган-тутганларимизни қўйдик. Томоқни озроқ хўлласак дилхиралликлар ёзилиб кетар деган фикрда бирпасда икки шишани бўшатдик. Бир маҳал машинанинг мотори жойлашган орқа қисмида қаттиқ баданглаш юз бериб эсимиз чиқиб кетаёзди.

Парво қилмасликка ҳаракат қилганча йигирма дақиқача юрдикми, йўқми, билмадим, бир жинкўчага келганимизда машина таққа тўхтади.

— Моторим озроқ мой ёйдиган бўлиб қолган, — хижолатомуз изох берди шалоқ арава соҳиби. — Мана шу ҳовлида Матмуса ака деган бир имонли киши дизел мойидан сотади. Бирорта диёнатлироғингиз бир канистр сотиб олиб чиқсангиз. Йўлмай йўл куйиб кетар эдик. Сих ҳам куймас эди, кабоб ҳам... Йўқса, мотор эриб кетиши турган гап...

Менинг ҳамиятим кўзгаб сакраб тушдим ва нақ ўттиз минг сўмга 20 литр мой олиб чиқдим. Шофёр инқиллаб-синқиллаб, моторга менинг пешона терим эвазига келган мойдан бир литрчасини қуйди-да, бизга маъноли қаради. Беш азамат машина ортига ўтдик.

Салонда суҳбат қизигандан-қизир эди. Машина нақ Сирдарё кўпригига етганда яна қилиги чиқди. Шофёр моторга бир литрча мой қуйди. Жиззахга етай деганимизда эса мудҳиш ҳодиса рўй берди — машина тагидан сўлоқмондек узун темир узилиб тушди-да, машина эса асфальтдан ярим метрча кўтарилиб, таққа тўхтади.

— Бу қардан вали, — уқтирди шофёр бола ҳаммамизга. — Яхши ҳам орқаси томондан узилиб тушибди. Боллари бўшаб кетганда

шундай бўлиб туради. Бир марта айнан мана шундай машина ичида ўн иккита одами билан кетаётганида қарданнинг олди узилиб тушган. Бечора йўловчиларни ҳайдовчи билан қўшиб кейинчалик асфалтдан лезвия билан аранг қириб олишган. Сизларнинг бахтинглар бор экан.

Оппоқ қўйлак ва галстукларни ечиб, бояги сўлоқмонни машина остига қотиришда шофёрга ёрдам бердик. У аллақерлардан дир зангланган сим, чириган чилвир топиб келди-да, темирни ўша воситалар билан машина остидаги аллақандай қисмга қаттиқ боғлади. Етмаганига шимининг тасмасидан кесиб олиб, улаб қўйди. Қучанганида шими тушиб кетмаслиги учун шимни тўғнагич билан бочкадек қорнига тўғнади.

— Тошкентгача етамиз, — деди у камоли ишонч билан.

Хуллас, тўққиз соат деганда ўн марта тўхтаб манзилга етиб келдик. Бази жамшид бошланиб кетганига анча бўлган экан. Собиқ курсдошимизнинг бахтли чеҳрасини кўриб барча дилхиралликлар тарқалиб кетди. Соат тунги бирларга келиб зиёфат тугади. Мезбонимиз тунаб кетишга ҳарчанд мажбурласа-да, эртага иш куни эканлигини ҳисобга олиб ҳаммамиз яқдил овоздан узр сўрадик.

— Лекин оқалар, машинамни чироғи бироз не-торок, — деди шофёр бола бундан ўзи ҳам хижолат чекаётганлигини астойдил намоён қилиб. — Майли, бир амаллаб шахри азимга етиб борармиз. Кўз кўрқоқ, қўл ботир, дейдилар... Таваккалнинг боши кал, деган яна бир мақол бор... Уйчининг ўйи битгунича... таваккалчининг ҳалигиси...

У шу тариқа йигирмага яқин мақолни келтирди.

Аммо бу гал йигирма чоғлик азамат хай-хайлашимизга қарамасдан машина кўксов қўйдек йўталиб, анча вақтгача ўт олмай турди. Зиёфат зўр бўлган эмасми, барчамиз қора терга тушдик. Хуллас, ярим соатлик овозагарчиликдан сўнг кўнгилга таскин берувчи овоз эшитилди. Хайрлашиб йўлга тушдик.

Тўйхона олди ёруғ бўлганлиги боис билинмаган

экан, машина зулматга чиқиб билан ҳамма жой зим-зиё бўлди-қўйди. Аксига олиб ой ҳам чиқмаган, бир қадам нарини кўриб бўлмас, машина чироғи на фақат «нето»роқ, балки мутлақо ишламас экан. Фақатгина ёнидаги габарит лампалар ажинанинг чироғидек хира милтиллаб турибди.

— Сизлар ҳаяжонланманглар, — деди шофёр бизга далда бериб. — Шу чироқ билан бир марта тунда Хоразмдан Тошкентгача нақ йигирмага одамни олиб юрганман. Бунинг устига юкхонага ҳам 4 та совлиқни тиқиб олганман денг. Қўлда бир туяни уриб мажақлаб кетганимни эътиборга олмасам, жуда яхши етиб келдим. Тўғри-да, асфальт йўлда туяга пишириб қўйибдими? Манимча, туя ҳаммомни орзу қилибди, деган мақол шундан келиб чиққан. Мендек тажрибали шофёрга бу йўллар нима бўлди. Ҳозир бирорта чироғи ёрқинроқ машинани орқасидан тушиб оламиз-да, мингга урамиз, олам гулистон.

Чиндан ҳам орадан уч дақиқа ўтиб чироқлари ўта ёрқин «Нексия» кўринди. Унга эргашдик. Самарқанд йўлининг юқори нуқтасига келиб моторга мой куйиш учун ўн беш дақиқача тўхтади яна зулмат ичида қолдик. Ярим соатлардан сўнг ўзимизникига ўхшаган ўта қадимий, аммо чироғи ёрқин бир «Москвич» кўринди.

Аммо қувончимиз узоққа чўзилмади, айғирга келган байталдек бир бўқирди-да, Маржонбулоқ йўлига кириб кўздан йўқолди. Яна шу тариқа беш-олти нафар йўловчи машиналарнинг ортидан чироғига чамалаб Янгиергача етиб келдик. Аксига олиб ҳаммаси ё ўта тез юради ёки бирор тор кўчага бурилиб кетади. Шу жойда омадимиз чоғди, устига юк ортилган ва секин келаётган Камазни кўриб қолдик. Унинг ортидан юриш биз учун айна муддао эди. Аксига олиб лаънати Камаз юкни роса босган экан, ҳар қучанганида ортидан олам-жаҳон тутун қолади. Бирпасда ҳамма жойимизни қурум босиб, мўридан тушган шайтоннинг ўзгинаси бўлиб қолдик. Айниқса, қурум босган аёллар тунда ўта мудҳиш кўринар экан, биринчи марта кўришим. Қурум ёпишган ойнадан шофёр ҳам бирор нарсани кўраётганлигига ишончимиз

йўқ. Баъзан тўғри йўлдан бироз оғишаётганимизга шу сабабмикан, деб секин энгашиб қарасам, ё алҳазар, азаматнинг кўзлари биё-биё, уйқу босиб, ширингина мудраб бораяпти. Капалагим учиб кетиб, шофёрни қаттиқ туртдим. У шилпайган кўзларини яшин тезлигида очиб, менга ҳайронона боқди. Бироздан кейин эса боши яна энгаша бошлади. Бирор жойда тўхтаб шофёрга озроқ мизғиб олишни маслаҳат берсаммикан, деб ўйлаб кўрдим. Аммо бу «Алломиш» бор барака қилиб уйқуни уриб юборса, экскаваторнинг овози билан ҳам уйғота олмайсан. Унда эртаси кечга ҳам етиб боролмаслигимиз тайин. Кийим-кечакни расво қилиб хотиндан гап эшитишимиз етмагандек, ишга бормай хўжайиндан ҳам маломатга қоламиз. Нима қилсам экан? Бирор маслаҳат сўрай деб ортимга ўгирилсам, бирортасидан тайинли гап чиқадиганга ўхшамайди. Шу пайт калламга «доҳиёна» фикр келди.

— Оғайни, — дедим ҳайдовчига. — Йўл юришининг ҳам гашти бўлса керак-а! Масалан, ярим тунда, ит ҳам, бит ҳам изғимайдиган овлоқ йўлда қаймоқдеккина бўлиб бирорта нозанин қўл кўтариб қолади...

— Эй нимасини айтасиз, — жон кирди унга. — Ана шунисига ўлиб қоламан-да. Аёллар менинг жони-дилим... Ўзи дунёда икки нарсага астойдил қизиқаман, биринчиси аёлларга... иккинчисига ҳам ўшалар сабаб...

Унинг кўзлари балиқнинг тарсуллоғидек очилиб, уйқуси ҳам ўчиб кетди ва ўз саргузаштларидан мириқиб ҳикоя қилишга тушди. Қурғурда ростми-ёлғонми, бу мавзудаги саргузаштлар бисёр экан, бирини тугатгани заҳоти навбатдаги саволни бериб тилини қичитаман, у мудрашни ҳам унутиб сайрайверади. Унинг жазавабини баттар қўзитиш учун ўзимнинг саргузаштларимдан ҳам битта ростга ўн ёлғонни аралаштириб қўшиб қўяман. Хулласи калом, йўлда бир неча марта тўхтаб юху моторга менинг пешона терим билан топилган ўттиз минг сўмлик мойни қуя-қуя Тошкентга етиб келганимизда соат эрталабки еттига яқинлашган эди. Аллоҳга шукур, ўлмай-нетмай етиб келганимиз бир, ишга кечикмаганлигимиз эса икки...

Орадан бир ойча ўтиб биз билан тўйга бориб келган курсдош аёлни бир семинарда учратдим. Ҳол-аҳвол сўраганимиздан сўнг у гина қилди:

— Мен сизни бу қадар маиший бузуқлашиб кетган деб ўйламаган эдим, — деди у. — Талабалигимизда курснинг энг тортинчоқ, энг одобли йигити сиз эдингиз. Ҳаммамиз сизни ҳурмат қилар эдик. Мартаба, бойлик одамни шу қадар бузар экан-да. Ҳайдовчи билан гапларингизни эшитиб, уятдан барчамиз ўлиб қолай дедик. Ҳе, хотинбоз!

— Ҳалиям шунисига шукур қилинг, — дедим ўзимни оқлаб. — Шу мавзуда сўз очиб валломатнинг уйқусини ҳайдамаганимда, уятдан эмас, авариядан ўлиб кетишимиз аниқ эди.

Алижон ЗОХИДИЙ,
Тошкент Тиббиёт академияси доценти,
тиббиёт фанлари номзоди,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Менда тақлиф бор
Устозлар ҳақида кўпроқ ёзилса...

Хурматли таҳририят!
Хар куни иш кабинетимга бир ўрам турли нашрларнинг янги сонлари олиб келинади. Негадир улар орасидан танишиш учун аввало «Ishonch»ни излайман. Бу газетанинг кейинги 2 йил мобайнида ўқимишли ва кенг қамровли бўлиб бораётганидан бўлса керак. Айтмоқчи бўлган тақлифим шуки, газетанда «Инсонга наф келтириш — олий бахт», «Мен — ёшлиқман» ва яна бошқа бир неча кўрик-танловлар натижасини қизиқиш билан кузатиб, улардан руҳланиб бораман. Барча касб ва соҳа соҳибларини ўқитувчи ўқитади. Шунинг учун ҳар йилнинг бошидан ўқитувчи, устоз ва мураббийлар ҳақида ёзил-

ган «Энг яхши ҳикоя», «Энг яхши очерк» кўрик-танловлари эълон қилиниб, улар натижаси 1 октябр — касб байрамимиз арафасида эълон қилинса. Голиб журналист ёхуд жамоатчи мухбирлар эса республика Халқ таълими Вазирлиги ёки Таълим ва фан ходимлари республика кенгаши томонидан рағбатлантириб борилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Янги 2009 йил учун ҳозирданок сеvimли газеталаримизга обуна бўлишни бошлаб юборганмиз. Оддий бир муштарий сифатида тақлифим ўйлаб кўрилишини сўрайман.

Шоҳида НЕЪМАТОВА,
Оқдарё туман ХТБ мудираси

Дил иззори

Ватан, сени онам дейман

Ватан — сени онам дейман,

Ватан — кўзим қароғи.

Сени улкан чинор дейман,

Мен унинг бир япроғи.

Сен онамсан

Тунлар бошим силаган,

Мехр бериб, ҳар қадамда

Келажгим ўйлаган.

Сен юрагим илдизисан,

Томиримда туташган.

Ватан дея жонин бериб,

Боболарим курашган.

Ҳар бир фарзанд бўй кўрсатса,

Иқболдан сўйлаган.

Жасоратли ҳар бир инсон,

Ватан дея куйлаган.

Мен ҳам сенинг бир қизингман

Ўз йўлини танлаган.

Ўзбекистон — жаннат юртни

Ватан дея атаган.

Ватан, сени онам дейман

Йўлимга гул тўшаган.

Кўёшдаин қайноқ меҳринг

Бир онамга ўхшаган...

Сен табаррук бир маконим,

Илдиз отган еримсан.

Бошим силар меҳрибоним,

Ойдин ўтган кунимсан.

Садоқат САИДОВА,
Қарши тумани, Навбахор кўргони

Мунозаза
Юртдошим, сиз шунга муносибсиз!

Яқинда телевизор орқали кўриб қолдим — шифохонада соғлигини тиклаётган онахон шундай дерди: «Болам, бу ерда жуда яхши даволана-япман. Хоналари иссиқ, шинам, саранжом-сарийшта. Дўхтурлари ҳам ширинсухан экан...». Кейин беморларнинг яна бир нечаси юқоридаги каби фикрларни билдирди. Менда беихтиёр иштибоҳ пайдо бўлди. Наҳотки, бошқача ҳам бўлиши мумкин?»

Шифохонадаги яхши шароит, хоналар иссиқ, саранжом-сарийшталлигини ажабланганнамо эътироф этиш шартмикин? Бизнингча, буни ҳайрат билан эмас, шунга ўзимиз муносибсиз деб қабул қилиш керак. Нега деганда...

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзида энг яхши шароитни мужассамлаштира олган, хизмат кўрсатиш даражасини юксак савияда ташкил этган муассаса, ташкилот, корхоналар фаолиятини давом эттириб кетади. Бунинг акси бўлса, мазкур жойга ҳеч ким даволаниш ёки бошқа юмушлари билан муносабат қилмаслиги туфайли банкротта учрайди.

Кўпинча радио, телевидение, оммавий ахборот воситаларида куйдаги таърифнинг гувоҳи бўламиз: «Завод (корхона ёки фабрика) ишчи-хизматчилари чанг-тўзонсиз, тоза, шовқин-сурон бўлмаган биноларда ишламоқда...». Фан-техника ютуқлари кунора инсониятни ҳайратлантиришда давом этаётган бир замонда заводларда юқоридаги салбий ҳолатлар бўлишининг ўзи ноодатийдир. Хорижий мамлакатларда эргономика (юнон тилидаги «ergon» — иш, «nomos» — қонун, таълим) деб аталмиш фан жорий этилган. У қулай иш шароитини шакллантириш мақсадида меҳнат жараёнларини ўрганади. Унинг ёрдамида ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш, шунингдек, инсон учун зарур-бўлган қулай шарт-шароитни юзага келтириш ва соғлигини асраш имконини яратувчи ечимлар қидирилади (юртимиз олий ўқув юртларида ҳам ушбу фан ўқитилапти). Шунга кўра, қулай шароитларга эга ижтимоий аҳамиятга молик иншоотлар ишга туширилганини янгилик сифатида эмас, одатий ҳол деб қабул қилмоқ мақсадга мувофиқдир. Қачонгача бирор жойда қулайлик яратилган бўлса, ажабланиб қараймиз? Аксинча, яхшисидан ҳайратланиш ўрнига шароити ёмон бўлган муассасаларга нисбатан танқидий муносабат билдириш керак.

Мамлакатимиз Асосий қонунининг муқаддимасида шундай сўзлар бор: «Ўзбекистон халқи... республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирishi-ларини таъминлашга интилиб... ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади». Муносиб ҳаёт кечирishi-мизга давлат даражасида эътибор мавжуд экан, биздан биргина ҳаракатни амалга ошириш — уларга ҳайрат назари билан қараш эмас, ўзимиз учун зарур шароитларни талаб қилиш қолади, ҳолос.

Мирзохид ЭШМАТОВ,
Андижон давлат университети талабаси

Тарбия — содағи

Эркалатса онаси — талтаяди боласи. Дарҳақиқат, фарзандларнинг мулоқот жараёнига ота-онанинг тез-тез аралашуви кўпинча ўзини оқламайди. Айниқса, ўртоқлари билан вужудга келган келишмовчиликларидан катталарнинг ҳал қилувчи куч сифатида иштирок этиши боланинг ҳаддидан ошишига, қатъиятсиз, енгил табиатли, уруш-қок, аразчи-тантлик бўлиб ўсишига сабаб бўлиши мумкин.

Эркаликнинг эртаси ёмон

Оқтош шаҳрида яшовчи Абдурауф Абдушукуров тантлик болалар сирасидан. У кўчада Дилмурод Юлдошевни учратиб қолиб, ораларидаги келишмовчиликлар юзасидан унга даҳанаки ўдағайлай бошлади. Кейин эса қўлларига эрк бериб, ариқ ёқасида турган темир бўлағи билан «рақибига» ташланади. Натижада жабрланувчи «оғир, ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳати» олади.

Вояга етмаган бир ўсмирнинг ҳали мустақил ҳаёт оstonасига чиқиб олмасдан туриб, жиноятга қўл ургани ва суд ҳукми билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилишидан ота-оналари ҳам изтиробга тушган бўлишлари табиий, албатта. Бироқ кечиккан пуншаймондан кимга фойдаю кимга зиён?! Бундай мисолларни эса, афсуски, кўплаб келтиришимиз мумкин.

Хулосалар шуни кўрсатадики, агар бола ёшлиғида меҳнатга, турмушда юз бериши мумкин бўлган қийинчиликларга кўникма ҳосил қилмаса, катта бўлганида панд еб қолиши ҳеч гап эмас. Ана шуларни назарда тутиб, ҳар бир ҳолатни ниҳоятда мукамал ўрганишга, содир этилиши лозим бўлган жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўраямиз. Туманда 68 та умумтаълим мактаби, 4 та коллеж, 61 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 68.920 нафар вояга етмаган дилбандлар тарбияланишади. Аввало, шуни айтиб ўтиш лозимки, баҳамжихатлик асосида олиб борилаётган профилактик тадбирлар самараси ўлароқ ўтган йилда аввалги йилларга нисбатан вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг сезиларли камайишига эришилди. Бу борада ўз касбини ардоқловчи фидойилар, хусусан, ИИБ вояга етмаганлар ЕОҲОТ катта инспектори, катта лейтенант Шавқиддин Саъдуллаев, гуруҳ инспектори, капитан Суннат Хотамов қабиларнинг ҳозиржавобликлари қўл келаетир. Улар махсус жадвал асосида барча таянч пунктларида бўлиб, фарзандларимиз тарбиясига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Ботир ТУРСУНОВ,
Нарпай туман ИИБ бошлиғи

Оила ва жамият
Аввал тиббий кўрик, кейин никоҳ

Оила қурувчи ёшлар ушбу тартибга қатъий амал қилиши керак. Ўз-ўзидан аёнки, бу анча вақт ва ҳаражат талаб этади. Шу боис айрим ёшлар никоҳни қонуний расмийлаштирмай туриб, шаръий никоҳдан ўтиб кўя қолишар эди. Фарзандли бўлгач эса, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш ёки болага нафақа тайинлашда қатор муаммолар пайдо бўларди. Бундай ҳолларга барҳам бериш, фуқароларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш мақсадида Ургут туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳтарома Сувонова ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини раислари ва маҳалла оқсоқоллари яқиний ишга киришдилар. Эндиликда оила қуриш истагида бўлган ёшлар ҳафтанинг қатъий белгиланган кунлари Ургут тумани тиббиёт бирлашмасида кўриқдан ўтадилар. Имом хатиблар эса кўриқдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотнома ва ФХДЕ бўлимидан берилган никоҳ қоғози асосида шаръий никоҳ ўқийди.

Илгари кўримсизгина бўлган туман ФХДЕ бўлими таъмирланди. Зарурий жиҳоз ва техник воситалар келтирилди. Яқинда Ўзбек миллий академик драма театрида Оила кодекси қабул қилинганининг 10 йиллигига бағишланган «Энг яхши ФХДЕ ходими» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда 3-ўринни Ургут тумани ФХДЕ бўлими мудирси Насиба Яхшиликдова билан Китоб тумани ФХДЕ мудирси Сарвиноз Абдуллаева қўлга киритди. Бу мукаффақат ҳам бўлимда ишлар яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

Узоқ ОМОНОВ

Илҳом
Минг афсус, бунинг сиз билмайсиз...

Сизни соғинаман, севаман сизни, Тасаввур қилмайман ўзимни сизсиз. Кўхдан қидираман юлдузингизни, Минг афсус, бунинг сиз билмайсиз...

Аммо нима қилай, аччиқ ҳақиқат Қаршисида чўккун беихтиёр тиз. Дилга таскин бўлди ёлғиз муҳаббат, Минг афсус, бунинг сиз билмайсиз...

Р.МАҲКАМОВА

Ибрат
Тилнинг қудрати

Абу Лайс юз талабани ўқитар экан. Бир куни бир талабага: — Ўғлим, сиз олим бўлдингиз. Рухсат, вақт ғаниматлигида сиз ҳам халққа маърифат тарқатинг, — дебди. Шунда бояғи талаба устозидан фотиҳа олиб чиқиб кетаётса, устоз шогирдининг номини айтиб чақирибди. Шогирд устозига ўғирлиб қараган экан, у бошини ушлабди. Шогирд эса тилини чиқариб йўлида давом этибди. Бошқа талабалар бу беҳурматликдан аччиқланишибди. Устоз эса кулиб: «Шогирдим охириги имтиҳонимдан ўтди» дебди. Мен аслида «Бошини ким ёйди?» десам, у «тил ёйди» деб жавоб қилди. Тилимиз ярим ризқимиздир. Тил дўстни душманга, душманини дўстга айлантира олади.

Хонбиби ҲИММАТ қизи тайёрлади

«МУШТАРИЙ МИНБАР» КУПОНИ № _____

Фамилиянги _____
Исминги _____
Отангизнинг исми _____
Туғилган йилинги _____
Манзилинги _____
Иш(ўқиш) жойинги _____
Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз? _____

Спортнинг ҳаётимизда тутган ўрни беқийс. Қолаверса, спорт тинчлик, дўстлик элчиси ва руҳий бардамлик даражаси ҳамдир. Зеро, фарзандлари соғлом юртгина қудратли бўла олади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда спортга эътибор мисли йўқ даражада кучайиб, кўплаб замонавий иншоотлар бунёд этилиб, ёшлар ихтиёрига топширилишида ҳам олам-олам маъно бор. Савобга йўрилган бу ишда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги дилларда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиши шундан.

Ёшлар йилига бағишланиб Навоий шаҳрида ўтказилаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасидаги Республика спартакиадаси ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Навоий шаҳри шу кеча-кундузда илгари кузатилмаган ўзгача рух, ўзгача шуқуқ оғушида яшамоқда. Бунга ҳам аввало спорт сабаб, кўзларида бахт балқиб турган ўғил-қизлар сабаб.

Асосий беллашувлар ўтиши мўлжалланган кўркем сарой ва иншоотлар пештоқлари спартакиада қатнашчиларини руҳлантирувчи шорлар билан безатилган. Турфа рангда жилоланаётган байроқчалар ва байрамона орасталик барча-барчага табиатан хушнудлик бағишлайди.

Ушбу мусобақага қизиқишни шундан ҳам билса бўладики, унинг тантанали очилиш маросимидан анча илгари Навоий тоғ-кон металлургия комбинати «Сўғдиёна» спорт мажмуаси таркибига кирувчи ўйингоҳ ёш томошабинлар билан лиқ тўлди. Республика мизининг турли ҳудудларидан ташриф буюрган иштирокчилар тантана майдони узра саф тортишди.

Тантанали қисми Навоий вилоят ҳокими ўринбосари Б.Норов кириш сўзи билан очиб, меҳмонлар ва спартакиада қатнашчиларини қизгин қутлади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Баҳодир Тоҳиев спартакиаданинг мақсад ва моҳияти ҳақида гапириб, барча спортсевар ёшларга омад тилади. Ўзбекистон мадҳияси ижро этилгач, иштирокчи гуруҳлар майдон узра саф тортиб ўтдилар. Қизгин мусобақалар бошланиши олдида Навоий ТМК тасарруфидаги «Фарҳод» маданият саройи ва «Сўғдиёна» спорт мажмуаси ҳамкорлигида тайёрланган махсус концерт дастури ҳам туҳфа қилинди. «Садо» бадий жамоаси дастуридан сўнг майдонда «Соната» эстрада халқ бадий жамоаси иқтидорини намойиш этди. «Ширин» халқ бадий жамоаси ҳамда Александр Паршин раҳбарлигидаги «Счастливое детство» халқ бадий жамоалари тайёрлаган оммавий-бадий рақс сյеталарининг чиқишлари ҳам йиғилганларга қувонч бахш этди.

Хуллас, таассуротлар шу даражадаки, уларни бирданга батафсил қаламга олишнинг иложи йўқ. Келинг, яхшиси, бу ҳақда иштирокчиларнинг ўзидан эшита қолайлик.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур



Майдонда синаладилар

Зокир ҚОДИРОВ,
Республика тоифасидаги ҳакам:

— Мини-футбол бўйича ўтказиладиган барча мусобақалар жавобгарлиги менинг зиммамда. Масъулият эса барча масалалар адолат тарозисидан ўтишини тақозо этади. Шунинг учун ишни энг ҳолис ҳакамларни жалб қилишдан бошладик. Равшан Ибрагимов, Акмал Кенжаев, Умид Нарзиев, Муроджон Эшмуродов, Обид Жумаев ана шундайлар сирасидан.

Ҳозирнинг ўзидаёқ тўрт гуруҳга бўлиниб беллашаётган жамоаларнинг илк натижалари аниқ бўлди. Айниқса, Навоий, Наманган, Қашқадарё вилояти вакиллари пухта ҳозирлик кўришганини намойиш этишмоқда. Лекин бу ҳам тўлиқ ғалаба дегани эмас.

Бугунги саралаш баҳсларида Наманган, Фарғона, Сирдарё ва Тошкент шаҳридан келган ёш спортчилар устунликка эришиб, эртага ғолиблик учун курашиш имкониятини қўлга киритишди. Ғолиблар ҳадемай маълум бўлади.

Йилдан йилга ўсиш бор

Ирина МАРТИНЕНКО,
ЖТВаСЖ Марказий кенгаш катта мутахассиси:

— «Алпомиш ва Барчиной» тест синовлари бўйича 11-12 ва 13-14 ёшдаги спортчилар алоҳида-алоҳида беллашишлари кўзда тутилган. Ўғил ва қизлар асосан 60 ва 1000 метрга югуриш, теннис коптогини улоқтириш ва 25 метрга сузиш бўйича куч синашадилар. Албатта, юқори натижага эришиш учун жиддий тайёргарлик лозим бўлади.

Бугунги кунда республикамиз болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 10529 нафар ёшлар шўғулланаётган бўлса, шундан 1455 нафари қизлардир. Уларнинг маҳорати учун 468 нафар тренер-ўқитувчи жавобгар бўлиб, спортнинг 38 тури бўйича машғулотлар олиб боришади. Махсус штатларда ишловчи 339 тренер-ўқитувчининг 237 нафари олий маълумотли мураббийлардир. Тренерларимизнинг 50 нафари олий тоифали, 118 нафари биринчи тоифали малакага эга, 8 нафар ходимларимиз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» фахрий унвонига сазовор бўлишган.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,
Федерация жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши қошидаги Республика «Пахтакор» спорт клуби директори:

Бироз ҳаяжондамиз

— Мусобақа шартларидан бўлмиш «Алпомиш ва Барчиной» тест синовлари ва бошқа шартлар ҳам обдон ва пухта ўйлаб олинганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Мезбонлар пухта тайёргарлик кўришган. Шундай бўлса-да бироз ҳаяжондамиз. Ахир, тадбирни ҳеч бир камчиликларсиз ўтказишнинг ўзига хос масъулияти бор-да.

Айтмоқчи, ҳар йилда ўтказиладиган спартакиада эстафетаси Чирчиқ шаҳридан кейин айнан Навоий шаҳрига бериляпти. Бунинг муҳим сабаби бор. Биринчиси, бу ердаги Навоий ТМК комбинатида қарашли спорт иншоотлари ниҳоятда мухташам ва талаб даражасида қурилган. Иккинчидан, комбинат ва Навоий шаҳри ёшларининг тантаналари олдида ўтказилаётган мазкур тадбир бизнинг яқин тилакдош ва ҳамкорлигимиз рамзи бўлиб қолишини жуда-жуда истадик.

Масофа узок бўлса-да...

Олег КОЛЕСНИКОВ,
Қорақалпоғистон Республикасидан, мураббий:

— Мамлакатимиз қанчалар бепоён. Нукус шаҳридан автобусда қарийб 13 соат йўл юриб, Навоий шаҳрига етиб келдик. Ярим тун бўлишига қарамасдан сира қийналмадик. Тайёр автобусга ўтириб, ётоқхонага йўл олдик. Овқатланиш, дам олиш, бўш вақтларда соҳавий тайёргарликлар кўриб олиш учун шароитлар мавжуд эканлиги барчамизни мамнун этди. Вақт анча ўлчовли бўлишига қарамасдан Навоий шаҳрининг бетақрор архитектураси, кўркем хиёбонлари билан танишишга ҳам улгурдик. Спорт иншоотлари бу шаҳарда анча ривож топган бўлиб, иш юритувида ўзимизга қўлланма бўла олувчи ибратли нарсалардан кўчирмалар ва хулосалар олдик.

Дўстона тарзда ўтаётган мусобақалар меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкам боғлашига ишонамиз.

Имкониятларимиз ошаяпти

Қодир ТУРДИЕВ,
Қашқадарё касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши раиси:

— Бу ерга келишдан олдин барча турлар бўйича катта тайёргарлик жараёнларини бошимиздан кечирдик. Беллашувлар чоғида Фарғона ёшларига 4:1 ҳисобда ютқазган бўлсак-да, бухоролик тенгдошларимизни 8:1 ҳисобида мағлуб этдик. Гарчанд, ғолиблик шохсупасигача бўлган масофа ҳали олис бўлишига қарамасдан, барча соҳа натижалари бўйича ўзига хос ўрин соҳиби бўлишимизга ишонамиз.

Умидимиз катта

Шавкатбек АВАЗБАДАЛОВ,
Андижон вилояти касаба уюшмалари ЖТ ва СЖ кенгаши раиси:

— Вилоятимиз республика равнақида ўзига хос ўрин тутди. Муҳаммадқодир Абдуллаев, Баҳодир Султоновдек чемпионларни етказиб берган ҳудудда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Қалби олов, қадами чақин ёшлар беллашувларда ҳам ўзларини кўрсатишларига шубҳа йўқ.

Мини-футбол баҳсларида гуруҳимиз самарқандлик ёш спортчилар билан баҳслашишди. Енгил атлетика, сузиш соҳалари бўйича ҳам энг шиддаткор ёшларни саралаб олиб келганмиз. Майли, қайсидир соҳада муваффақиятни бой бериб, қайси бир соҳада ғолиб келсак ҳам бунга ўзимизга оғир олмаймиз. Негаки, биродарлик руҳида ўтаётган ушбу тадбирда дўстлик ғалаба қилишига ишонаман.



Кези келганда бундай беллашувлар спорт равнақида катта ҳисса бўлиб қўшилишини алоҳида таъкидлашни истардим. 2006 йили Чирчиқда ўтказилган спартакиадада спортнинг сузиш тури бўйича вакилимиз қатнаша олмаган эди. Бу бизга аччиқ сабоқ бўлди. Вилоятимизда сузиш мактаблари, ҳавзалари қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир мазкур мактаб қошида 200 нафарга яқин ёшлар ушбу спорт тури сир-асрорларини ўрганишаётир.


Қизиқарли курашлар остида ўтган ёшлар спорт ўйинларида умумжамоа ҳисобида Фарғона вилоят жамоаси биринчи, Тошкент шаҳри вакиллари иккинчи, мезбон-навоийликлар эса учинчи устундан жой олишди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» муҳбири
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Эмбарго жорий этилмайди

АҚШ Россиянинг Грузияга қурол-яроғ етказиб берилишини тақиқлаш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватламади. Илгарироқ руслар БМТ Хавфсизлик кенгашига кўриб чиқиш учун шундай резолюция лойиҳасини киритган эди.

«Civil Georgia» нашрининг хабарига қараганда эса АҚШ Мудофаа вазирлиги Грузияга махсус миссия жўнатади. Уларнинг вазифаси мамлакатга қуролли кучларини тиклаб олиши учун қанча ёрдам кераклигини аниқлашдир.



Учта бўлса, биттаси...

Сешанба куни Пекинда Хитой миллий кутубхонасининг янги биноси очилди. «Xinhua» агентлигининг хабар беришича, янги биноси билан қўшиб ҳисоблаганда умумий майдони 250 минг квадрат-метрни ташкил этадиган ушбу кутубхона катталиги жиҳатидан фақат Франция ва АҚШ миллий кутубхоналаридан кейинги ўринда туради.

Янги бинонинг қурилиши 2004 йили бошланиб, 1 млрд. 220 минг юан (180 млн. доллар)га тушди. Бир кунда унга 8 мингга яқин киши ташриф буюриши, 600 мингга яқин китоб берилиши мумкин. Бундан ташқари, бино интернетга уланган 460 та компютер билан жиҳозланган. Шунингдек, унда 200 терабайт маълумот жамланган электрон кутубхона ҳам мавжуд.

Осиф Али Зардори — Покистоннинг янги президенти

9 сентябр куни Покистон халқ партияси раҳбари Осиф Али Зардори мамлакатнинг 14-президенти сифатида қасамёд қилди.

Маълумки, 18 август куни Покистоннинг собиқ раҳбари Парвез Мушарраф муҳолифатнинг талаби ва импечмент хавфи остида истеъфога чиққан эди.

2007 йил 27 декабр куни хотини, мамлакатнинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто террорчилар томонидан ўлдирганидан сўнг Зардори партия раҳбари этиб сайланган эди.

Осиф Али Зардорининг президент сайловида ғолиб чиқишида Бхутто тарафдорлари муҳим ўрин тутганлиги шубҳасиз.



Теракт қурбонлари учун ёдгорлик

«Интерфакс» агентлигининг хабар беришича, Россия пойтахтида Бесландаги теракт қурбонлари хотирасига бағишланган ёдгорлик ўрнатилади. Москва шаҳар думасининг монументал архитектура бўйича комиссияси 9 сентябр куни шу ҳақда қарор қабул қилди. У шаҳар марказидаги Солянка кўчасида қад кўтаради.

Ёдгорликни ўрнатиш ишлари Шимолий Осетия-Алания республикаси бюджетидан молиялаштирилади.



Фитнами ё ҳақиқат?

Шимолий Корея дипломати Сон Ир Хо чоршанба куни Япониянинг «Киодо» агентлигига баёнот берар экан, КХДР раҳбари Ким Чен Ирнинг оғир касаллиги ҳақидаги хабарни инкор қилиш билан бирга, уни «ғарб оммавий ахборот воситаларининг фитнаси» деб атади.

АФРнинг қайд этишича, бу Ким Чен Ирнинг соғлиги ҳақидаги ҳар хил тахминларга КХДРнинг биринчи расмий жавобидир.

Эслатиб ўтамиз, сешанба куни Америка махсус хизматининг аноним вакили КХДР раҳбари инсултни бошдан кечирганлиги тўғрисида маълум қилган эди. Шимолий Корея масаласи бўйича япон эксперти Тосимицу Сигэмура эса Ким Чен Ир 2003 йилиёқ вафот этган, шу пайтгача эса унинг қиёфадорлари оммага кўриниш бериб келган деган фикрни билдирган.

Шу хил гап-сўзларнинг кўпайишига Ким Чен Ирнинг КХДР ташкил топганининг 60 йиллигига бағишланган парадда кўринмаганлиги сабаб бўлди.




Озиқ-овқат учун пул керак...


«Украина Мудофаа вазири Юрий Ехануров ҳарбийларнинг озиқ-овқати учун ажратилган маблағ тугаётганини маълум қилди», — дейилади «Интерфакс» агентлиги тарқатган хабарда. Аниқроғи, маблағ 31 октябргача етади. Аммо вазирнинг айтишича, ҳарбийлар оч қолишмайди: керакли маблағ вазирлик фаолиятининг бошқа соҳаларидан олинади. Шу боис Ю.Ехануров Верховний рада депутатларини армиянинг молиялаштирилишини яхшилаш учун жорий йил бюджетига ўзгартириш киритишга чақирди.

2008 йили вазирлик учун бюджетдан 9,9 млрд. гривен ажратилган, бу эса эҳтиёжни 57,1 фоиз қондиради. Январ-август ойларида вазирлик бюджетдан 5,5 млрд. гривен олган.


Рассом ҳандаси



Шавкат МУЗАФФАР чизган суратлар



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан октябр ойида ўтказиладиган «БМТ фаолияти» мавзусидаги кўрик-танловга



Хусан СОДИҚОВ чизган суратлар



ИЗОХИ СИЗДАН...



Ўйламанг, ҳаммалари Чўзилишиб қолибди. Текканми нима, вабо Қаранг, тошдай қотибди. Бизларни бундай тўплаш, Ҳақиқатга келмас мос. Бу — циркда гипнозчининг, Гипнози эрур холос.

Асадулла МИРЗААКБАРОВ, «Хамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари кўмитасининг раиси

Жўра қассобнинг тўйи, Хўп эсда қолар бўлди, Суяк, сўнгалка тўйгач, Итлар ҳам толар бўлди.

Билсанг, тунги соқчимиз, Хизматда қоқмай мишжа, Халал берманг, дўстларим, Ором олайлик жичча.

Рустам САТТОРОВ, Наманган шаҳри



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Муваффақият башорати

(15-21 сентябр)

КУП Ҳафта сиз учун омадли кечади. Иш жойингизда катта ўзгаришлар, дўстлар билан ёқимли мулоқотлар кутилмоқда. Анча чиқим қиласиз, аммо бу яхшиликка. Оилангиз учун буюм харид қиласиз. Пайшанба ва жума ажойиб кунлар бўлади. Ҳафта охирида самимий дўстона мулоқотлар бўлади.

БУЗОК Ўзингизни хотиржам ҳис этасиз. Кўп янгиликлардан воқиф бўласиз. Дўстона учрашувлар юз беради. Душанба ва сешанбага муҳим ишларни режалаштирманг. Чоршанба кўни шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муҳим янгилик эшитасиз. Фаоллигингиз ошади. Ишда ва оилавий ҳаётда иккунини ўзгаришлар кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР Бошланган ишларнинг қандай яқунланиши ўзингизга боғлиқ. Душанбада муҳим янгиликдан воқиф бўласиз. Ҳафта кўни учрашу ва сарфлар белгиланг. Сешанба ва чоршанба хотиржамликда ўтади. Пайшанбада ниҳоятда банд бўласиз. Яқинлар билан боғлиқ муаммолар ҳал бўлади. Жума кўни одамлар билан мулоқотда эътиборли бўлинг.

КИСКИЧБАКА Бу ҳафта анча муваффақиятли кечади. Кишилар билан муомала хайрли бўлади. Сизни қийнаётган муаммолар бирин-кетин ҳал бўла бошлайди. Уйдагилар ва қариндошлар билан муносабатлар оидинлашади. Жума ва шанба кўни фарзандларингиз парваришига эътибор беринг.

АРСЛОН Сизни қийнаётган муаммолар душанба кўни иккунини яқунланади. Жўшқин ҳаёт оғушида қоласиз. Сешанба ва чоршанбада янги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатилади. Иккунини юзага чиқариш, яқинларга ёрдам бериш учун имконият пайдо бўлади.

ПАРИЗОД Ишбилармонлик янги ҳамкорлар топишда қўл келади. Сешанба ва чоршанбада ишдаги муаммоларнинг ҳал қилиниши ва оилавий муносабатларнинг яхшиланиши кутилмоқда. Чоршанба кўни орузингиз амалга ошади. Оила аъзоларингиз ва яқинларингизга эътиборлироқ бўлинг.

ТАРОЗИ Ушбу ҳафтада бошланган ишлар муваффақиятли тугаши, тижорат лойиҳалари тузиш, билимни бойитиш, ҳаётингизда бурлиш яқиндаги ёқимли учрашувлар бўлиши кутилмоқда. Сешанба кўни жамоадорлар ва ҳамкорлар билан мулоқотда вазмин ва мулоҳазали бўлинг.

ЧАЕН Олдинда омадли ва хўш ҳафта кутмоқда. Ҳеч қандай муаммоларга дуч келмайсиз. Шахсий ҳаётда, ишда ҳаммаси жойида бўлади. Сешанбадан ташқари кунларда ҳар қандай ишда анча иккунини ўзгаришлар бўлади, дўстларингиз сизни қўллаб-қувватлашади. Жума кўни тadbиркорлик билан боғлиқ янги гоёлар, иккунини ишларда янги алоқалар вужудга келади.

УКОТАР Ҳафта сиз учун ўзгача кайфиятда бошланиши мумкин. Душанба кўни ҳар хил мулоқотлардан, саёҳат ёки кредит олишдан йироқ бўлинг. Сешанба ва чоршанба кўнлари анча суст кечади. Кўп вазиятлар сиз учун кутилмаганда омадли яқунланади. Дам олиш кўнларини оила аъзоларингиз ва дўстлар даврасида ўтказинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ Бошланган ҳафта сиз учун барқали келади. Ишда ва муҳаббат бобида омадингиз чопади. Сизни жамоадорлар қўллаб-қувватлайди. Сешанба кўни оғир синовлар кутилмоқда. Ҳафта охирида мулоқотлар кўлами кенгайиши мумкин. Қизиқарли саёҳатлар уюштирасиз. Соғлигингизга эътибор беринг.

КОВБА Душанбада ўтган ҳафтадаги ноқуш ҳолатлар оқибатлари энгиб ўтилади. Муҳим ишларда келишувга эришилади. Иккунини эътиборли равишда этилади. Ҳафта ўртасида сизни гузал хиссиётлар қамраб олади. Ҳаётни ўзгартириш, ресторан, клубларга бориш, вақтни хўш ўтказишга ҳаракат қилинг.

БАЛИК Сешанба ва чоршанба кўнлари энг муҳим ишлар белгиланиши мумкин. Бу кўнда шахсий учрашувлар, муҳаббат оилари, дам олиш, маданий ҳаётдаги ҳодисалар ҳамроҳ бўлади. Пайшанбада эса жиддий иш билан шуғулланасиз. Шанба уй-рўзгор буюмлари харид қилиш учун қўлай кўн ҳисобланади.

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиков, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шамси Эсоибоев	Бизга кўнғироқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рухсат олинган. ИВМ компьютерлари терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ. E-mail: ishonch-doverie@mail.ru	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134 «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (P) белгиси остида чоп этилади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - Д.Раҳмонова Мусоҳиҳ - Ш.Абдусаммадов Саҳифаловчи-дизайнер: Х.Абдужалилов Буюртма Г - 814 Тиражи: 11004 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.00 Сотузда эркин нархда 1 2 3 4 5 7 8
	Сотиш вақти: 11.00 - 18.00				